# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

15 сон
10 — 16 апрел, 2008 йил




Суратда: (чапдан учинчи)—Саида Солиева.

## НОЁБ САНЪАТ СОҲИБАСИ

- Опа, мен сиздан тикувчиликни ўрганмоқчи эдим... - деди ийманибгина маънавият хонасига кириб келган қиз.

- Менинг тикувчилигимни қаёқдан билдинг? -Саида кулимсираганча қизга зимдан тикилди.

- Коллежда ҳамма билади-ю... Очиғи, уйимиздагиларнинг қўли бироз тортилиб қолган. Уларга оғирлигим тушмасин, дейман. Мактабда ўқиган пайтимда қўшниларнинг болаларига ул-бул тикиб бериб юрардим. Аммо бир келинчакнинг уйида сиз тиккан кашталарни кўриб, роса ҳавасим келди. Менга ҳам ёрдам қилинг... Билсангиз... коллежда менга ўхшаганлар анчагина.

- Бўпти, ўша дугоналарингни тўплагин-да, олдимга келинглар.

Қизгина қувониб хонадан чиқди. Тез орада 20 чоғли қиз тўпланди. Саида бўш вақтини қизларга бағишлади. Онасидан ўрганган ҳунар сирларини ҳаваскорларга беминнат ўргата бошлади... Ўзининг талабалик йиллари эсига тушди.

Ҳа, "Нурота қуроқ кўрпаси"нинг овозаси нафақат мамлакатимизда, балки чет элларга ҳам етган. Нуроталик келинчакнинг сепида санъаткорона тикилган қуроқ кўрпа ёки юз хил нақшда товланиб турувчи қадимнусха кашталар бўлмаса, одамлар айб қилишади. Шу боис бу буюмларни (қизларнинг ўзлари тикишса, нур устига аъло нур, бўлмаса...) моҳир чеварларга тиктиришади. Нуротанинг ана шу "моҳир чевари" Сожида опа эди. Ўзи касалхонада оддий ишчи бўлиб ишласа-да, кечкурунлари тикув машинасининг ёнида ўтириб, "ўзини унутарди"... Саида эса мана шу онанинг фарзанди. Болалигидан онажонисининг ишига ҳавас билан қаради. Онаси ишга кетганда, у бошлаган каштани охирига етказиб қўйгани учун кўп марта унинг олқишини олди. Синглиси билан мусобақа қилиб тиккан қуроқ кўрпачалари тилга тушди. Шунинг учунми у мактабни тугатса, машҳур чевар бўлишни дилига тугди... Аммо Сожида опа қизига қарши чиқди! "Ўзим ўқиёлмадим... Лекин болаларимнинг катта ўқув даргоҳларида таълим олишини орзу қилганман. Ҳунар эса қиз боланинг зийнати. У умр бўйи сизларга асқотади", - Саидага далда берди у. Онаси тўғри айтган экан... Саида Самарқанд Дорилфунунида ўқиб юрган кезлари бу ҳикматнинг мағзини чақди. У дарсдан бўш пайтлари кашта, қуроқ кўрпачалар тикиб, уйга борганда онасига ташлаб келар ва бу билан оила "бюджети"га ўз ҳиссасини қўшаётганидан хурсанд бўларди... Ҳа, қанча дугоналарининг сепига унинг кашталари файз киритди. Қанчадан- қанча қиз-жувонлар ундан бу ҳунар сирларини ўрганиб, мустақил ўз ишларини очишди. "Онангга раҳмат!"-дейишди. Синглиси ҳам машҳур тикувчи бўлиб кетди. Онаси-ку 72 ёшида ҳам - ҳануз тикув машинаси ёнида, кашта тикади... Элликка яқин невара -чевараларидан уқувлиларини ёнига олиб, уларни игна-ипнинг қўшиғига жўр қилади. Улар орасида Саиданинг уч қизи ҳам бор... (Ўғли Умиджон эса турмуш ўртоғининг ганчкорлик ҳунарига ихлос қўйди).

Аёллар ҳақида ҳикоялар

Саида Солиева ўша-ўша бу икки касбни баравар олиб боради. У айни пайтда маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаётган Нурота тумани ижтимоий - иқтисодий коллежи қизларида ҳам бу ҳунарга ҳавас уйғонганидан "боши осмонга етди". Ҳа-да, қиз бола авваламбор игна-ипни тўғри ушлашни билсагина, танлаган соҳасида ҳам ундан ўтадиган моҳири бўлмайди.

Саида дастлаб ўқув масканида талабаларнинг кунини тўғри ташкил қилишга эътиборини қаратди. Уларнинг кўнглига қулоқ тутди. Қизиқишларини ҳисобга олди. 80 минг китоб фондига эга кутубхона, шинам, ёруғ ўқув зали, ахборот-ресурс маркази талабаларнинг севимли масканига айланди...

Шу боис коллежнинг терма жамоаси "Шахс ва жамият" республика, вилоят кўрик-танловида 2-ўринни, "Билимдонлар" клуби аъзолари "Сиз қонунни биласизми?" вилоят танловида 1-ўринни, 3-курс талабаси М. Ибрагимова "Маърифатли юрт фарзандларимиз" республика кўрик-танловида 2-ўринни олишга муяссар бўлишди. Моҳирларнинг бир гуруҳи "Баркамол авлод", "Шунқор" республика ҳарбий спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллашди.

- Талабаларимиз қўлга киритган ютуқларда коллеж директори Ю. Бобоёров ва ўқитувчилардан С. Ражабова, М. Шарипова, Э. Худойбердиева, Д. Қодирова, Г. Қувондиқова, А. Жуманазарованинг хизмати катта, - дейди Саида Солиева. - Мақсад — ёш авлодни юртга садоқатли, билимдон ва ўз ишининг устаси бўлишига эришиш. Меҳнатдан қочмаган инсонни эса бахтнинг ўзи топиб боради.

**С. ФАХРИДДИНОВА**

## СИЗ УНИ ТАНИЙСИЗ...

***"Халқ таълими аълочиси", "Шуҳрат" медали совриндори, сухандон, журналист Насиба МАҚСУДОВА...***



... Бундан роппа-роса 46 йил илгари зангори экранда "Ғунчаой" кўрсатувини бошқараётган 14 ёшли қизалоқ каттаю кичик томошабиннинг эътиборига тушган эди. Истараликкина бу қизнинг камера олдида ўзини эркин тутиши, бийронлиги ва донолиги барчани лол қолдирганди. Бу ҳайратнинг давоми кунба-кун фикрлари тўлишиб, улғайиб борган сухандон Насиба Мақсудованинг "Бойчечак", "Олтин водий", "Ёрқин ҳаёт", "Умр", "Она шаҳрим -Тошкентим", "Ассалом Ўзбекистон" сингари юзлаб кўрсатувларига муҳрланди... Байрам концертлари, анжуманлардан репортажлар сухандон-журналист Насиба Мақсудованинг оҳангдор овози ва тийран фикрлари билан янада файзиёб бўлди...

### Тўйхат

"ЎША НАСИБА" опани умрининг фараҳбахш лаҳзаларида ёру дўстлари даврасида қучоғи тўла гул билан учратдик:

**- Инсон ярим йўлда бир бора ортига қараб, ўтган умридан сарҳисоб сўраши керак, дейишади...**

- Албатта! Мен шифокорлар оиласида ўсганим учунми, ота-онам доим: "Аввало хато қилишдан сақлан! Зеро ортга қараганингда дилингни оғритадиган хотира қолмасин!" -дейишарди. Шу боис қандай ишга қўл урмай, оқибатини тассавур қилиб кўраман. Кўнглим чопмаган йўлнинг ўртасидан ҳам қайтиб кетишга ўзимда куч тополаман. Етказганига шукр, бугунгача виждон оғриғига дуч келмадим. Бировнинг бурнини қонатган одамдан ҳазар қиламан. Одамлар билан тез чиқишиб кетолганим учунми дўстларим кўп.

**- 40 йилдан ортиқ экрандан тушмай келиш ҳаммага ҳам насиб этмаса керак? Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?**

- Авваламбор худойимнинг инояти - бу, қолаверса, ҳар қандай касбга ҳам бекдай, ҳам қулдай ёндошиш керак. Яъни у буюрган хизматни жону дилингиз билан бажариб, роҳатидан бекдай ҳузурланиш лозим. Зеро сухандон дегани — "қоғозда ёзилган матнни ўқиб бердим, бўлди", эмас... У қатнашаётган кўрсатувининг мақсадини, руҳиятини яхшироқ билиб, бажараётган ишига ижодкорона-жонлироқ ёндошса, мухлисини топади, томошабиннинг ғойибона "қариндоши"га айланади, одамлар ўша сухандон чиқадиган кўрсатувни излашади! Менинг меҳнатдан топган ҳикматим ҳам, бахтим ҳам ана шунда! Шогирдларимга ҳам шу кунни соғинаман.

**- Бугун нималар билан машғулсиз?**

- Ҳозир Нодавлат Телекомпания Тармоғида "Ёнимиздаги одамлар" кўрсатувининг муаллифи ва бошловчисиман. Бу янги тармоқ бўлгани учун ҳали эфирга тайёрлаётган лойиҳаларимиз бисёр. Уларни томошабинларимиз экран орқали кўрганларида, ишимизга баҳо беришар...

**- Оилада ҳам тўкислигингиздан хабарим бор...**

- Шукр! Турмуш ўртоғим Анориддин ака билан 40 йилдан ошиқ битта дарахтмиз. Бу дарахтнинг мевалари — Барнохон ва Отабекжон — шифокор, Гўзалхон — "Коском"да етакчи мутахассис. Куёвларим Омарбек — шифокор, Равшанбек — тадбиркор. Келиним Дилнозахон — ҳуқуқшунос. 6 нафар набирамиз — роҳати-жон.

Анориддин акам Техника университети доценти, нефт ва газ факультети кафедраси мудири, илмий марказ бошлиғи. Кўплаб шогирдларнинг устози. Шунингдек, мен ҳам улардан анчагина ҳаёт сабоқларини олганман. Мени тушунадиган, қўллайдиган ва ғамхўрлик қиладиган шундай ҳокисор инсон бўлмаганда, бундай тўкис бахтга эга бўлармидим! Яна бир олий бахт — мен оиламга, ҳамкасбларимга, дўст-ёрларимга, жамиятга керак эканлигим! Ҳали олдимда йўл узун... юрагимда чўғ, қўлимда қалам, кимнингдир кунига яраш, кўнглига яшаш иштиёқини солиш ниятида қадам ташлаяпман...

**- Эзгу мақсадларингиз ижобат бўлсин! Таваллуд айёмингиз билан!**

**САНОБАР**

## 2008 йил — Ёшлар йили



# ГУЛАНДОМнинг ҚУВОНЧУ ТАШВИШЛАРИ

Ҳали қишлоқ мактабида ўқиб юрган кезларидаёқ матбуот нашрларида Гуландомнинг туркум шеърлари сурати билан бирга тез-тез эълон қилинадиган бўлди. Яхши эслайман, 1988 йилнинг кузаги эди. Ҳарбий хизматдан сўнг дорилфунун талабаси бўлиш бахти насиб этган ўнлаб сурхондарёлик норғул йигитлар, гарчанд уни яқиндан танимасак-да, "Гуландом биз томондан яъни, бизлардан" дея мақтаниб ҳам қўярдик. Оқшомлари талабалар ётоқхонасида учовлон, тўртовлон бўлиб тонготаргача "мушоира"лар уюштирардик. Унда номи фалон шоирлар қаторида Гуландомнинг-да ўтли, ташбеҳли мисралари жарангларди.

***"Қани Навоийга она бўлсайдим, Қачон туғилади Навоий, дунё"***... ва ёки

***"Тезроқ туғилсанг-чи ўғлим Алишер"***ми, хуллас шунга ўхшаш мисралари нафақат ётоқхоналарнинг ғиштин деворларида, балки, сабоқхоналарнинг шифтларида-да акс-садо берарди...

Орада нима бўлди-ю Гуландом жим-жит бўлиб кетди. Оташин шоиранинг бу даражада узоқ сукут сақлаши кўпчилик наздида ҳеч ҳам кутилмаган бир ҳол эди. Буни ҳар ким ҳар нарсага йўйди. Кимлардир "тез ёнган олов тез ўчади, Гуландом ҳам бир гуриллади-ю, сўнди" деса, бошқа бир тоифа муҳлислар "катта шаҳарга кўчиб келган шоирларга илҳом париси тутқич бермай қўяди" деган ўйга боришди. Негаки, катта шаҳарда яшаш сиртдан қараганлар учун ҳаловатли туюлиши мумкин. Аслида эса шаҳар тирикчилиги қишлоқ тирикчилигидан кўра оғирроқ бўлади.

Эшитганим бор эди. Қайсидир мунаққид газетада Гуландом ижоди ҳақида тиғли, наштарли каттагина танқидий мақола ёзган эмиш. Ижодкор бўлгандан сўнг, у ҳақда ҳамиша ҳам илиқ, ёруғ фикрлар айтилавермайди, баъзида анвойи гулдастани кўксингга босаётганингда унинг тиконлари наинки қўлга, балки дилга ҳам санчилиши мумкинда. Танқид ҳақида Гуландомнинг фикрини билгим келди.

– Ҳаддидан ошиб кетмаслиги, мақтовлардан талтайиб қолмаслиги учун ҳам инсонга гоҳ-гоҳида аччиқ-аччиқ танбеҳ бериб турадиган дўст зарур,- дейди шоира. - Шу боис, беғараз танқидга ҳеч қачон ёмон муносабат билдирмайман. Борингки, ўша танқидчи кўнгли кир, ёлланган ғаразгўй бўлса ҳам.

Келинг бу ҳақда бошқа гапирмайлик. Ҳали мендан толиққан кезларда нима билан шуғулланишимни сўрадингиз. Ўта замонавий кишилар бунинг номини "хобби" дейишади. Рубоб чалиб, қўшиқлар куйлаш – менинг хоббимдир. Гоҳ эл суйган ҳофизларнинг барчага ёд бўлиб кетган қўшиқларини, гоҳо ўз қўшиқларимни куйга соламан.

Гуландом билан яқиндан суҳбатлашарканман, унинг узоқ сукунатига на холис танқид, на катта шаҳар тирикчилиги сабаб бўлган, балки, у сукут асносида анча-мунча баракали ижод қилаётганига ишонч ҳосил қилдим. Ўтган йилнинг поёнида нафақат Гуландом Тоғаева ҳаётида қувонарли воқеа содир бўлди. Вахшиворнинг содда ва дилором қизи "Миллий матбуотимизда суфийлик мавзуининг ёритилиши" мавзусидаги илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Олий аттестация комиссияси Гуландом Тоғаеванинг илмий ишини муносиб баҳолаб, уни филология фанлари номзоди унвонига лойиқ деб топди. Демак, олис бир тоғли қишлоқнинг тошлари орасидан шоира бўлиб вояга етган қизалоқнинг сершовқин шаҳарда кечган ўн етти-ўн саккиз йиллик умри бесамар кетмабди.

– Мен Тошкент Молия институтида иккинчи мутахассисликка ўқияпман. Телевидениенинг иқтисодий кўрсатувлар таҳририятида ишлаётганим боис, шу ерда ҳам ўқиб олишим шарт деб ҳисобладим, – дейди шоира, олима ва бўлғуси "молиячи" Гуландом.

**– Беш кунлик дунё деб аталгувчи умрни аямабсиз-да,-дедим яқин орада ҳаловат билмагани кўзларида сезилиб турган суҳбатдошимга.**

– Нима қилай, ака. Худо бериб турса-ю, мен олмайинми?..

Ҳа, Худонинг бераётгани рост бўлсин. Ишқилиб, ёмон кўзлардан асрасин!

**Бахтиёр ОЛЛОМУРОД.**

**Газетамизнинг 11-саҳифасида Гуландом Тоғаеванинг шеърлари билан танишасиз.**

# ИЗЛАНУВЧАН ТАЛАБА



Наргиза Умарова асли тошкентлик. Ҳамза туманидаги 226-сон мактабни аъло баҳоларга тугатгач, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига давлат гранти асосида ўқишга кирди. Билимга чанқоқ талабанинг ўқиш, изланишга тўла, беҳаловат кунлари бошланди. У ўқиш давомида кўплаб кўрик-танловлар, илмий анжуман ва фан олимпиадалар иштирокчиси ва ғолиби бўлди. 2006-2007 ўқув йилида Президент стипендиясини қўлга киритди. Ҳозирда у "Журналистика ва фаолият турлари" йўналишининг 1-курс магистратура босқичида таҳсилни давом эттиряпти. Ўз мутахассислиги бўйича илмий изланишлар олиб бориш билан биргаликда "Туркистон" газетасининг мухбири бўлиб ишлаб келмоқда. Наргизанинг ўзбек ва рус тилларида элликдан ортиқ публицистик мақолалари эълон қилинган.

- Мен "Эътиборга муҳтож болалар", "Хусусий эълонларнинг жойи қаерда?", "Беҳуда соврилган болалик ёҳуд тарбияси оғир болаларнинг колониядаги тенгдошлари ҳаёти билан танишуви", "Абадий қувонч", "Удум қарзсиз ўтади...ми?" деб номланган мақолаларимда ўзимни қизиқтирган, ўйлантирган масалаларни кўтаришга ҳаракат қилганман. "Иш бор, аммо..." деган мақоламда ўқишни битирган талабаларнинг муаммоларини олиб чиқдим. Масалан, давлат грантида ўқиган талаба ўқишни битиргач, уч йил давомида ишлаб бериши керак. Бу нарса уларнинг ўзлари истаган иш бўйича ишлашларини чегаралаб қўймайдими? Мақоламда шу каби саволларга ечим излаганман.

Мени кўпинча безори болалар қаердан пайдо бўлади, деган савол ўйлантириб келарди. Кўз шифокори Баҳодир ака ва муҳандис Роҳатой опа оиласида камол топаётган Наргиза билан яқиндан танишиб, саволимга жавоб топгандек бўлдим. Ўз изланишлари, кашфиётлари билан жамиятимизга наф келтирадиган оқил фарзанд соғлом оила меваси экан.

**Дилором ИСМОИЛОВА**

# САЛОМАТЛИК ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ

Маълумки, ҳар йили дунё ҳамжамияти 7 апрель - Бутунжаҳон Саломатлик кунини нишонлайди. Унинг 2008 йилдаги мавзуси - "Саломатликни иқлим ўзгариши таъсиридан ҳимоя қиламиз", - деб аталади. Асосий мақсад - иқлим ўзгариши оқибатларининг саломатликка салбий таъсирини камайтиришга йўналтирилган глобал компанияга жамоатчиликни жалб қилишдан иборатдир.

Анжуманда "ЭКОСАН" халқаро ташкилотининг раиси Ю.Ш.Шодиметов сўзга чиқди.

Экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳолининг, айниқса ёшларнинг экологик ва санитар-гигиеник маданиятини, билимларини янада ошириш, уларни атроф-муҳит муҳофазаси жараёнига кенг жалб қилиш талаб этилади. Шу муносабат ҳамда оммавий ахборот воситаларининг мазкур жараёндаги ролини инобатга олган ҳолда "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси "Матбуот, радио ва телевидениеда ҳамда электрон ОАВ саҳифаларида "Экология ва саломатлик кунлари" тадбирлари ҳамда "ЭКОСАН" ташкилотининг "Ёшлар йили"га бағишланган мақсадли дастури ва лойиҳалари ёритилган энг яхши журналистик ишлари учун" республика танловини эълон қилди.

Мазкур кўрик-танлов атроф-муҳит муҳофазаси, шунингдек экологик муаммоларнинг салбий оқибатларини камайтириш борасида керакли чора-тадбирларнинг амалга оширилишига эътиборни қаратиш, аҳолининг, айниқса ёшларнинг ижтимоий - экологик фаоллигини оширишга йўналтирилган.

Танлов ташкилотчиларининг ўз олдига қўйган мақсадларидан яна бири, бу маҳаллий ҳокимият идоралари, саломатликни муҳофаза қилиш тизимлари, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг барчасини иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш борасида самарали чоралар кўришга жалб қилиш ва "Экология ва саломатлик кунлари", "ЭКОСАН" ташкилотининг "Ёшлар йили"-га бағишланган дастури ва лойиҳаларининг мақсад ва вазифаларини тушунтиришдир.

**ДИЛАФРУЗ**



Ахборот

# ЭЪЗОЗ

4-умумий ўрта таълим мактаби Китоб туманидаги йирик илм даргоҳларидан бири. Капитал реконструкция қилинган илм даргоҳида ўқувчилар барча шарт-шароитлар яратилган кенг ва ёруғ синфхоналарда таълим олишаяпти. Компьютер синфхоналари улар ихтириёда. Бу ерда фахрий ўқитувчилар билан учрашувлар ўтказиш одат тусига кирган.

Мактабда 35 йил меҳнат қилиб, 1987 йилда нафақага чиққан Ҳалима ая Абдиеванинг ўқувчилар билан учрашуви байрамга айланиб кетди. Устознинг Шафоат Раҳмонова, Насиба Муҳаммадиева, Шоира Раупова, Назира Ашурова сингари шогирдлари бугунги кунда бошланғич синфларда ўқитувчилик қилишади.

Тадбирни мактаб директори Эркин Шокиров очар экан, фахрий ўқитувчининг ҳаёт йўли ҳақида гапирди. Ўз навбатида устоз ҳам фаолияти ҳақида ўқувчиларга сўзлаб берди.

Тадбирда мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари концерт дастури намойиш этдилар. Фахрий ўқитувчига мактаб маъмуриятининг эсдалик совғалари топширилди.

**Шавкат СУЛТОН, Қашқадарё вилояти.**

*Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»*

*Шахсий фикр*

# ДАВРАДАГИ ЁШ БОЛА

Бу ҳолатга хизмат сафари билан Ўрта чўлнинг чекка бир қишлоғига борганимда шоҳиди бўлганман. Хўжалик ходимларидан бири менга ҳамроҳлик қиларди.

- Қишлоқчилик, -деди кечга яқин ходим гап бошлаб. - Бу ерда меҳмонхона, ошхона, чойхона деган шароитлар йўқ. Ҳозир бир жойга меҳмондорчиликка ўтиб келамиз. Қайтиб бизникида тунайсиз.

Қоронғу чўкканда тадбир бўлаётган жойга бордик. Ичкарида элликлар чамаси одам ўтирарди. Иккимизни ҳам энг юқорига, меҳмонхонанинг тўрига ўтказишди. Ўзиям бизга қараб ўтиришган экан шекилли, "қишки саройга ҳужум", дегандек бирваракайига дастурхонга ҳужум бошланиб кетди.

- Ароқниям бошлангизлар, -деди қуйироқда ўтирган бир киши.

Давранинг тўрт жойида соқийлар иш бошлагач, атрофни зимдан кузата бошладим. Қарасам, ён тарафдаги қаторнинг ўртароғида, ўн икки ёшлар чамасидаги битта бола ҳам ўтирибди. Бутун диққат-эътиборимни шу болага тикиб, уни зимдан кузата бошладим. Ана, соқий боланинг ёнидаги соқол, мўйловли, ўрта ёшлардаги кишига ароқ тўла пиёлани узатди ва бир йўла ҳол ҳам сўради:

- Олинг қани, ака. Қалай энди ўзи, зўр бўп кетдингизми?

- Худога шукр - синиқроқ овозда жавоб берди у киши.-Ерни босиб юрибман. Кўп нарсалардан парҳез қилаяпман. Ароқни ичмаётганимга ҳам бир йилча бўлиб қолди. Шунинг учун давраларга мана бу ўғлимни бирга олиб бораман. Ўрнимга ўғлим ичади. Беринг, ароқни ўғлимга бераверинг. Ол, ўғлим, акангнинг қўли толиб кетди. Ол, ич, ош бўлсин...

Бу гапдан айримлар анқайиб қолишди. Баъзилар эса кўникиб кетишган чоғи ортиқ эътибор ҳам, аҳамият ҳам бермай гурунгларини давом эттираверишди. Бола ҳам ҳеч қандай эътирозсиз пиёлани олди-да,икки-уч киши билан тўқиштиргач, симириб юборди. Бола учинчи пиёлани ичаётганда ҳам ундан нигоҳимни узмагандим. Соқий тўртинчи пиёлани узатаётганда отаси деди:

- Бўлди энди акаси, кўп қистаманг, бола ҳали ёш.

Ниҳоят, алламаҳалда дастурхонга фотиҳа ўқилгач, қайтишга ҳозирландик.

- Отаси ҳеч нарсани билмасаям, боласининг ҳали ёшлигини биларкан-ку, -дедим ҳамроҳимга йиғиндан қайтарканмиз. -Нега боласининг ниҳоллигидаёқ илдизига ўз қўли билан болта ураётганини, тириклайин ўлдираётганини фаҳмламайди. Эҳтимол, даврада боланинг ўқитувчилари, балки мактаб директори ҳам ўтиргандир. Уч пиёла ароқни ичиб, ярим тунгача даврада мижжа қоқмай ўтирган бола эртага мактабга қандай, қай аҳволда боради, давродош бўлиб қолган муаллимлар билан қандай муносабатда бўлади?!

- Энди, отаси шуни лозим билиб, ўзига эп кўрганидан кейин нима ҳам деб бўларди, -деди ходим. -Қишлоқдошлик, юз-хотир деган андишалар туфайли отанинг тутиб юрган йўли нотўғрилигини билиб, кўриб турган кишиям бир нарса дейишга, истиҳола қилиб, индамай қўяверади-да.

- Отаси ўз тили билан айтди-ку ароқ ичмаётганига бир йилча бўлиб, шундан бери ароқ ичиладиган давраларга ўғлини етаклаб бориб, улушини унга ичириб юрганини. Бир йил давомида шу одамга даврада бўлмаса, бошқа вақти, бошқа жойда, ҳоли топиб, бироз тушинтириб қўядиган, фикр айтадиган мард наҳотки топилмаган бўлса?

- Тўғри, ҳамма билади, -деди ходим. -Билгани билан қишлоқда биров бировнинг ишига аралашавермайди. Кўп ҳолларда, қандай масалага бўлсаям, менга нима, сен менга тегма, мен сенга, қабилида қўл силтаб қўяверишади.

Демак, бу қишлоқдагиларнинг ягона шиори, сен менга тегма, мен сенга тегмайин, экан, холос. Бундай шиор билан яшовчилар орасида юрган ҳалиги ўн икки ёшли ароқхўр боланинг аҳволи не кечаркан, келажаги қандай бўларкан. Қишлоқда бундай бола биттамикан? Эҳтимол, яна бордир бир нечта, ўзлари парҳезда бўлгани боис, ўрнига ароқ ичириш учун даврама-давра болаларини етаклаб юрган нотавон оталар. Эҳтимол, бундай қишлоқ ҳам битта эмасдир. Яна қаерлардадир бордир... Раҳбари, кайвони-ю оқсоқоллари, мактаб директори ва шуларга ўхшаш номлари қайд этилиб туриладиган шахслари бефарқ қишлоқларда илдиз отмоқчи бўлаётган бундоқ иллатларга қандай болта урмоқ лозим?

**Нормамат ТОҒА, журналист-ёзувчи.**

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.

# ҚАДРИНГИЗНИ БИЛИНГ, ҚИЗЛАРЖОН!

Баҳор, аёллар байрами арафаси. Бундан-да гўзал палла бўлиши мумкинми? Бир нафас тин олиб, ўзингга дунё кўзи билан қарамоқ, нафис хилқат эканлигингни ҳис этмоқ нақадар яхши! Шундай ҳузурбахш туйғулар оғушида ўз-ўзидан кайфиятим кўтарилиб бекатда турардим. Йўлнинг у юзида баҳслари тобора авжига чиқаётган йигитларнинг ғала-ғовури хаёлимни бўлди. Айниқса кўпроқ дағдаға қилаётган, овози дўриллдоқ пакана йигитнинг сўзлари дона-дона эшитиларди.

- Менга қара, мен сени дўстим деганман, а? – дерди у қаршисидаги кўзойнакли йигитга қўлини пахса қилиб. – Сен битта қизни деб менга шунча гап айтиб ўтирибсан. Битта қиз арзийдими шу жанжалга? Мен унақа қизни-чи, шест секундда топволаман, билдингми? Қиз топиладиган нарса, тупураман ўшанга!

Кўзойнакли йигит нималардир деб минғирлади. Кўнглим чўкди. Қиз боланинг шаънига айтилган гаплар оғир ботди. Лекин ҳали бу ҳолваси экан.

- Ҳозир битта болага учта қиз тўғри келяпти, ўртоқ, - давом этди у ўша оҳангда. - Керак бўлса-чи, қизларни пайпоқдек алмаштираман, билдинг? Сен бўлса битта қизни деб...

Қулоқларимга ишонгим келмасди. Шунақа тубан, бешарм сўзлар баралла айтиладиган бўлдими? Бунисигаям чидайлик, лекин сўзларнинг мазмун-моҳияти... Дилхун кайфиятда автобусга чиқдим. Ойнадан қарадим: бахс ҳамон давом этар, уларни ўраб турган уч-тўртта йигит қўл қовуштириб томоша қилишар, жанжални бостиришга эса, фаҳмимча, ўртада гап ташиган бошқа бир қиз беҳуда уринар, уни ҳар замон сўкиб силтаб ташлашарди...

Йўл бўйи ўйлаб кетдим. "Ҳақиқий дўст" сўзларининг мағзини чаққаним сайин даҳшатга тушдим. Оҳ, сингилжонларим, қадрингиз мунча тушмаса! Тушдими, ё ўзингиз туширдингизмикан? Ахир тор, калта кийгани етмаганидай қорнини очиб юрган, кўча-кўйда йигитларга гап отаётган қизлар ҳам учраб турибди.

Бир сафар канцелярия моллари дўконига кирсам бир гуруҳ қизлар чуғурлашиб ҳеч гал беришмади. Эътибор қилсам, майда сувениру откриткаларни талаб олишяпти.

- Вой – бў, намунча қизлар, яқин орада байрам йўқ-ку.

- Эртага севишганлар куни, хола!

- Йигитларимизга совға оляпмиз.

Таажжуб, қаёқдан келақолди бунақа ёт, миллатимизга ярашиқсиз байраму анъаналар? Тағин изҳори дил сифатида қиз боланинг йигитга совға бериши-чи? Қани ибо, андиша? Уларга разм соламан – бари она сути оғзидан кетмаган ўқувчи қизлар. Биз мактабни битиргунча "севги", "йигитим" деган сўзларни шунчаки тилга олишга ҳам истиҳола қилардик. Бугун 13-14 ёшли қизларимиз ўз "муҳаббатлари"ни ошкор қилиш учун кўзга яқин йигитларга совға бериб туришса-я! Йўқ, "биз яхши эдик", демоқчи эмасман, лекин бунақа "шест секундлик" ишқибозлигу "Валентин кун" ларини "хазм" қилиб бўлмаяпти.

Муштдек – муштдек икки қизнинг суҳбатига эътибор беринг:

- Элёр билан қанча вақт юрдинг?

- Икки ойча гаплашдик.

- Мен Шоҳжаҳон билан бир йил юрганман, - дея муддатни таъкидлаб айтди гап бошлагани. - Ҳамма тан берган. Кейин "медколлеж"дан бошқасини топволди.

Менимча, изоҳга ҳожат йўқ. Алам қиладигани шуки, фақат қизларнинг эмас, муҳаббатдек буюк туйғунинг қадри тушаётгани...

Тўғри, "қарс" икки қўлдан чиқади.



Бу масалада йигитлар ҳам айбдор. Лекин шарқда азалдан вафо, чиройли хулқ, андиша кўпроқ аёллардан талаб қилинган. Ушбу мезонларнинг айнан аёллар томонидан бузилиши гуноҳ, кечириб бўлмас айб ҳисобланган. Аслида, бу катта шараф.

Келинг, мисолларни тўхтатиб (улар талай!), сабабларни қидиришга ўтайлик. Чунки бор айбни қизларга ағдариш адолатсизлик бўларди. Ота-онанинг масъулияти, қаттиққўллиги қаёқда қолди? Сўнгги пайтларда камтарин, ярашиқли кийинган аёлларнинг ўзига зоҳиран мутлақо ўхшамайдиган (юз ифодаларидан ташқари) олифта, очиқ-сочиқ кийинган қизларни эргаштириб юрганини кўрадиган бўлдик. Нима, оналарнинг қизларига гапи ўтмайдиган бўлдими, оталарнинг, акаларнинг кўзи қаёқда? Ёки уларга "замонавий" қизларининг шу алфози ёқяптимикан? Бу борада телевидениенинг "ҳиссаси" ҳам катта. "Нозлар қилиб суйдираман" деб хониш қилаётган ҳофизанинг карашмалари бачканалик, беиболикдан бошқа нарса эмас. Клипларда ҳам шу аҳвол. Саёз қўшиқлар, саёз фильмлар... Дарвоқеа, "қизларни пайпоқдек алмаштириш" ибораси ҳам айнан ёшлар жон деб томоша қилаётган фильмдан "ўзлаштирилган". Илгари чет эл киносидан, клипларидан хавотирда эдик, ҳозир, минг афсуски, ўзимизнинг маҳсулотларда ҳам тарбияга зид томонлари кузатиляпти.

Эҳтимол, ортиқча ваҳима қилаётгандирман? Ахир бугунги ёшларимиз орасида зукко, истеъдодли, бутун халқи фахрланса арзийдиган йигит-қизлар беҳисоб. Лекин, гуруч орасидаги курмак дарров кўзга ташланади. Улар қанчалик оз бўлмасин, ваҳима қилишга арзийди, чунки биз Тўмарис, Увайсий, Кумушбиби авлодларимиз. Миллатимиз учун бундайларнинг ўнтаси ҳам кўплик қилади! Шундай экан, авлод тарбияси учун бир ёқадан бош чиқариб курашмоғимиз керак.

**Гулчеҳра АСРОНОВА, Фарғона.**

# ГИНАЧИ ЧИПҚОНГА ЎХШАЙДИ

Гиначи одам танасига чиққан чипқонга ўхшайди. Чипқон то пишиб етилмагунча, ўзи ёрилиб, йиринг-фасодлари, яъни рутубатлари чиқиб кетгач, киши дард-аламдан қутилади, кўзи мошдай очилади ва кўп ўтмай бу дарддан фориғ бўлиб кетади. Гиначи ҳам шундай. Фарқи - гиначи инсон кўнглини, фикр-хаёлини, юрагини азоблайди. У ўз табиатига кўра, то уришиб, жанжал-сурон қилиб, гап-сўзини, гина-қудуратини тўкиб солмагунча қўймайди. Обдон сиздан кўнглидаги бор аламини олмагунча ўзи ҳам тинчимайди, сизга ҳам тинчлик бермайди. Бир гина ортидан ўнлаб гина-қудуратларни улаб кетади. Қочгани жой, азобига малҳам топа олмайсиз. Эсингизда йўқ, хаёлингиздан кўтарилиб кетган алмисоқдаги гиналар билан сизни бўғади, адойи тамом қилади. Ҳаққингизга таянтиради, пушаймонлар едиради. Охир-оқибат айтишишдан, силкилашишдан, уришишдан фойда йўқлигини оқил инсон сифатида бўйнингизга оласиз. Оласиз-да, кўп афсус-надоматлар чекиб, гиначидан узр сўрайсиз. Сизда бундан бошқа чора бўлмайди. Гиначи эса обдон муродига етгач, бироз тинчигандай бўлади. Аммо у ўзини "оқлаб" олади, сиз эса "қоралаб" қоласиз... Бу қандай ҳол! "Ёмон" "оқ" бўлиб чиқса-ю, "яхши" "қора" бўлиб қолса!..

Минг афсус-надоматлар бўлсинки, чипқон яраси битади, кўнгил яраси битмайди. Чипқон ярасидан кейин чандиқ қолса, кўнгил ярасидан кейин дилхиралик қолади ва бу хиралик узоқ йиллар мобайнида у одам иси ёқмас гиначини сизга эслатиб туради...

Гиначи бўлиш бу - иллат, бу қусур. Ўзини баъмани санаган инсон бу иллатдан қутилиш йўлини топмоғи лозим. Акс ҳолда у инсон эмас, шунчаки одам, балки...

**Азимжон ҚОСИМОВ**

**МУАЛЛИФ ҲАҚИДА:** ***Газетамизнинг 9-сонида мухбиримизнинг япониялик Сэйка Вазаки билан суҳбати эълон қилинган эди. У юртимизда яшаб, қисқа муддатда ўзбек тилини ўргангани, урф-одатларимиз юзасидан илмий изланишлар олиб бораётганини гапирганди. Яқинда у таҳририятимизга электрон почта орқали ўз мақоласини йўллабди. Ушбу мақолани ўқувчиларимизга ҳавола этарканмиз, Сэйка Вазакидан бундан кейин ҳам янги ижодий ишларини кутиб қоламиз.***



**“Уй бекасига айланган эркак” -13-сон.**

**ЭСЛАТМА: Ақл-ҳуши жойида, қўл-оёғи бутун эркакнинг ҳеч жойда ишламай, уйда ўтириши, рўзғор ташвишларини аёлнинг нозик елкаларига юклаб қўйиши инсофданми?**

**Муаллиф: И. Норматов**

# ЭРКАКНИНГ ЎРНИ БОШҚА!



Мен ушбу мақолани ўқиб, жуда ҳайрон қолдим. Эркакнинг бирор ой ишсиз қолиб кетиши жуда хунук ва уят ҳол-ку! Майли, агар ногирон бўлиб, ишга яроқсиз бўлиб қолса... Лекин мен ўз ҳаётим давомида жуда кўп ногиронларни кўрганман. Улар оёқлари йўқ, ўзлари бировнинг ёрдамига муҳтож бўлишса ҳам уйда ишлашади. Масалан радио, телевизор тузатишади. Ёки чеварлик қилишади. Мен то Ўзбекистонга келгунимча бироз вақт Киото шаҳрида бувим билан бирга яшадим. Шунда бир қўшнимиз бор эди. Мен ҳар куни эрталаб кетиб, кечқурун кеч қайтганим учун уни танимас эдим.

Бир куни қишнинг совуқ кунларида мен уйга совуққотиб кириб келдим. Совуқ, қор, бунинг устига бош кийимсиз чиқиб кетгандим. Шунда бувим менга қўлда тўқилган жуда чиройли жемпер билан қалпоқни берди. Сўнг бу қалпоқни қўшнимиз Сяо Ямамото тўқиганини, агар ёқса сотиб олишимиз мумкинлигини айтди.

Менга бу буюмлар жуда ёқиб қолгани учун пулини бердим. Эртасига университетга кийиб борганимда кўп дўстларимнинг ҳаваси келди. Мен уларга бу нарсаларни қўшнимиз тўқиб сотишини, исташса уларга ҳам олиб келиб беришим мумкинлигини айтдим. Дўстларим рози бўлишди. Кечқурун қўшнимизнинг уйига кириб, унга уч-тўрт хил ўлчамдаги жемпер, пайпоқ ва қалпоқни буюртма қилдим. Шу куни биринчи марта қўшнимизни кўрдим.

Сяо ногиронлар аравачасида ўтирар эди. Бирпас унинг нарса тўқишини .томоша қилиб ўтирдим. Шунда у менга кутиб туришимни айтди. У мен билан гаплашган ҳолда чойнакнинг остига қўйиладиган думалоқ таглик тўқиб берди. Оддий иплардан чиройли нарсаларнинг тўқилиши мўъжизага ўхшарди.

Шу ҳунаридан келган даромадга Сяо каттагина ҳовли сотиб олди. Машиналар олди. Фарзандлари ҳам тўқишни билишади. Умуман олганда япон эркакларининг ҳар бирининг асосий ишидан ташқари бирор ҳунари бор. Мен ҳам тўқишга қизиқиб қолдим. Кейин мен ҳар куни Сяонинг олдига кириб тўқишни ўргана бошладим. Бир ойдан кейин чойнак остига қўйиладиган тагликни аранг тўқиб битирдим.

Диққатни талаб қиладиган бу ҳунарни кейинчалик яхшилаб ўрганиб олдим. Ҳозир ўзимга ва бувимга, онамга пайпоқлар тўқийман. Лекин ҳозир илмий иш билан бандлигим туфайли вақтим кам. Шунинг учун катта нарса тўқий олмаяпман. Университетда ишларим жуда кўп. Бу гапларни айтишдан мақсадим, мақтаниш эмас. Демоқчиманки, ўша уйда ўтирадиган барзангидай эркаклар ишлашса, оила, рўзғор юкини аёли билан бирга тортишса бўлади-ку.

Тўғри, баъзиларнинг ҳунари ёки касби йўқдир. Нима бупти? Демак, корига ярайдиган ҳунарни ўрганишнинг асло кечи йўқ. Эркак аёл билан бирга оиласини таъминлаши керак. Мен Ўзбекистонда яшаш пайтимда жуда кўп оилаларда шунақа воқеалар борлигини кўрдим. Хотинларнинг кўпчилиги бозорда, нарса сотишаркан.

Эркак одамлар эса уйда ўтиришиб, овқат қилишиб, кир ювишиб, кейин болаларини боғчага олиб бориб, олиб келишар экан. Эркаклар кучли, бақувват-ку! Шундай экан бозордаги оғир қопларни кўтариш, эртадан -кечгача бозорда бақириб-чақириб молларини сотиш ҳам осон эмас. Бу иш ҳар қандай одамни толиқтириб қуяди. Аёл ҳам майли уйда ўтирмасин, ишласин.Лекин ишлаган эркакнинг ўрни бошқа-да.

Аёл жуда ҳам кўп юкни елкасига олиши шарт эмас-ку. Ҳар қалай ҳар бир эркак уйининг бекаси,болаларининг онасини асраса қандай яхши. Ахир уйининг, оиланинг файзи аёл билан эмасми? Мен баъзи хонадон, аёли йўқ хонадонларни кўрганман. Бундай уйларда гул ҳам ўсмайди, файзи-тароватı ҳам бўлмайди. Ажрашган ёки аёли ўлган, ёлғиз эркакни кўрганмисиз? Улар қаровсиз, тушкун ва хароб бўладилар. Уйидан мазали овқатнинг ҳиди чиқмайди, ҳовлиси супирилмайди. Ёқаси кир эркакни кўрдингизми, демак уйинг аёли йўқ.

Иброҳим аканинг мақоласини ўқиган ҳар бир эркак ўзига яраша хулоса чиқариб олса керак. Нима бўлганда ҳам мен шундай деб ўйлайман. Яна уйда ўтириш эркакнинг бошини ерга эгади, ишлайдиган дўстларининг олдида ортиқча гап гапира олмайди. Тили қисқа бўлади.

Эркакнинг кўчадан қўйни-қўнжини тўлдириб келиши, оиласини моддий томондан таъминлаши қандай яхши! Мен ўз жинсдошларимнинг боши ҳеч қачон эгилмаслигини истардим. Эркак агар истаса, ҳаракат қилса албатта бир куни бошига бахт қуши қўнади. Ҳамма гап эса истакда қолган, холос.

**Сэйка ВАЗАКИ,**
**Киото университети докторанти.**

Акс-садо

# ЎРИНЛИ ИСТИҲОЛА

**“Уйимни келин қилишадими?”- 48-сон, 2007 йил**

**ЭСЛАТМА: Ақлимни таниганимдан буён рўзғоримизни бутлаш ташвишида меҳнат қиламан. Кўпроқ пул топиш илинжида Тошкентда яшаб, ишлаб қишлоққа—уйга маошимни жўнатаман. Ўғил укаларим эса меҳнат қилишни ўйлашмайди. Уйимиз—иморатларимиз нурай бошлаган. Ёшим ўтиб бораяпти. Совчилар уйимизни кўриб қайтиб кетишаяпти.**

**Муаллиф: Гулбашакар**

Суҳбатни ўқиб Муҳайёнинг истиҳоласи ўринли деган қарорга келдим. Ишласа тоғни талқон қилгудек, билаклари кучга тўла укалари бўла туриб ҳовлининг нураб ё таъмирталаб бўлиб ётишидан опасининг ташвишланганича бор. Қаерда поклик, орасталик бўлса, шу ерга фаришталар енади, дейишади-ку. Бахт эшикларини айнан фаришталар очадида. Ҳовли эгаси кўчиб кетгандек нураб ётса, супириб-сидирилмаса жинлар макон қуради. Жинлар измидаги кишилар ишёқмас, дангаса, уйқучи, текинхўр, ичувчи, жанжалкаш, енгилтак бўладилар.

Муҳайё ўқиган, касб-корли, ақлли қиз экан. Ишлаб орттирган маблағини онаси, синглиси, укаларига юбориб турган экан. Қиз боланинг ҳаёти нозик. У ҳаётда ўрни ва бахтини топиши учун оиладагилар ёрдамлашишлари даркор. Йигитларнинг каттаси ота ўрнига оилада етакчилик масъулиятини ҳис этиши даркор. Ҳаётда шундай бўлиб келган.

Муҳайёнинг амакилари, аммалари, тоғалари, холалари йўқмикан? Улар бўлмаса маҳалла фаолларининг шербилак йигитларга холис турткиси керак бўлаяпти.

Оллоҳ асрасину Муҳайё кўчадан кўчага бировнинг этагидан тутиб, шу менинг бахтим, деб кетиб нима бўларди? Оила, қариндошлар, маҳалла шаънига иснод бўлмайдими?! Миллий ғурур, оила шаъни ҳимояси бўлмаса шербилак укаларни ватанпарвар дея оласизми?

Келинг, бу бир оила муаммоси эмас. Бўй етган қизлари, ўғиллари бор оилаларга қариндош-уруғ, маҳалла фаоллари бир эътибор берсалар. Қизларимиз оила бекаси бўладилар. Оила жамиятимизнинг кичик кўриниши. Унга бефарқ қараб бўлмайди. Ҳатто ҳашарлар уюштириб бўлса-да, хонадонларни обод қилиш зарур. Бу эзгу ва савобликлар.

**Мўмин ХОЛМУРОДОВ,**
**Қарши.**

* * *

Мақолани ўқиб, Муҳайёга жуда ҳам ачиниб кетдим. Икки навқирон йигит, укаларининг ҳеч қаерда ишламасдан, бекор ўтиришларига жуда ҳам ғазабим келди. Виждонсизлар ахир, ҳеч бўлмаса, Муҳайё ишлаб, жўнатган пулларига уйларини таъмирласалар бўлмайдими? Ахир, эл-юртдан уялишмайдими, улар?!

Шу ўринда совчиларга ҳам ҳайронман. Нега улар қизларнинг ўзига эмас, уйларига қизиқишади?

Муҳайё, шуни билингки, уй-жой, мол-дунё учун қизиққан йигитлардан ҳеч вақт яхши, вафодор эр чиқмайди. Сиз сабр қилинг, кўнглингизни тушунадиган, уй-жойингизга эътибор бермайдиган йигитлар ҳам албатта совчи қўйишади.

Муҳайё, сизга маслаҳатим шуки, оилангиз учун қийналиб пул топаётган экансиз. Энди уни укаларингизга жўнатманг, пулингизни йиғиб, ўзингиз вақт топиб бориб, уйингизни ўзингиз таъмирлатинг, уйингизга файз киритинг.

Иккала виждонсиз, ялқов укаларингизга айтадиган гапим шуки, қўл-оёғингиз бут экан, куч-қувватингиз бор экан, ҳалол ишлаб, пул топинглар, ўзингизни эпланглар. Муҳайёга раҳмингиз келсин. Биргалашиб, ота уйингизни таъмирлаб, шу уйда тўйлар қилишга ҳаракат қилинглар.

**Раънохон ЖУМАНИЁЗОВА,**
**Андижон вилояти,**
**Булоқбоши тумани.**

## “ПОДШОЮ ВАЗИР” АҲИЛ БЎЛСА...

**“Хавфли бурилиш онлари” - 2-сон**

**ЭСЛАТМА: Бахт ўзи нима? Рўзғор ташвишлари сени ўраб олганда ўзингни бахтли сезасанми? Ғамхўринг, ёстиқдошинг ҳаётда сенга панд берса-чи?**

**Муаллиф: Зуҳра Қурбонова**

Оиладаги эр ҳам, аёл ҳам ўз ўрнини, подшою вазирликларини англаб олишлари лозим бўлади. Агар подшою вазир орасида гап қочиб, келишолмай қолсалар, улар бошқариб турган кичик Ватан - оила аъзоларининг ҳоли не кечади? Бундай ҳолатда оила таназзулга юз буради. Болалар тарбияси издан чиқди.

Одатда қарс икки қўлдан чиқади. Жаҳл отига минган эр бироз шайтонига ҳай бериб, ўзини боса олса, олам гулистон! Оилада жанжалга ўрин қолмайди. Аҳилликка дарз етмайди.

**Эргаш АТОЕВ,**
**Навоий вилояти.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



Ҳурматли Аҳмад ШЕРБОЕВ!

Таваллуд айёмингиз билан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда муваффақият тилаймиз.

Яқинларингиз

Синглим МОҲИРАХОН!

Туғилган кунингиз билан табриклайман. Сизга соғлик-омонлик, оилавий бахт тилайман. Ҳаётингизда қувончли кунлар кўп бўлсин.

Опангиз София





Дадажонимиз Ғайрат УБАЙДУЛЛАЕВ!

Таваллуд кунингиз билан муборакбод этамиз. Онажонимиз билан қўша қариб, соғ-саломат бўлинг.

Фарзандларингиз

Фарзандимиз ОЙБЕКЖОН!

40 ёшинг муборак бўлсин. Ҳамиша соғ-саломат бўлгин.

Ота-онанг, ўғлинг Хушбек, дўстларинг Алок, Сани, Раж.

Ҳиндистон маданият маркази.



Тошкент шаҳридаги АТ «Алоқа банк» томонидан ОАЖ «Эски Жўва» деҳқон бозори номига берилган **№0156151—0156175** рақамли Чек дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

ТАТУдан **ЖАҲОНГИР ҚОСИМОВ**га 2004 йилда берилган 04КТ047 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

## МИННАТДОРЧИЛИК

2008 йилнинг қиши қаттиқ келди. Ёши улуғларимизнинг эслашларича, 1968 йилнинг қиши шундай бўлган экан. 40 йилда бир қаттиқ совуқ бўлар экан. Қор узоқ ёғди. Совуқ эса ундан-да узоқроқ давом этди. Кўча эса яхмалак. Ишдан қайтаётиб тойиниб кетдим. Чап қўлим қаттиқ лат еди. Уйга етиб келгунимча билагим шишиб кетди. Чидаб бўлмаас даражада оғриқ турди. Ишдан қайтган хўжайиним мени тезда туман шифохонасига олиб бордилар.

Мен қўли енгил шифокорлар Олимжон Ражабов, жарроҳ Алишержон Жўраев, фельдшер Набижон Ражабов ва ҳамшира Зилолахон Маҳрамоваларга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман. Қўлингиз дард кўрмасин азиз шифокорлар, дея омадлар тилаб қоламан.

**Замира БОЗОРОВА,**
**Навоий вилояти,**
**Навбаҳор тумани.**

## ✔ Ҳуқуқшунос маслаҳати

**Ҳуқуқшунос Гулнора ҲАМРОЕВА**

### ФАМИЛИЯНИ ЎЗГАРТИРИШИМ МУМКИНМИ?

***Тақдир тақозоси билан турмушимдан ажращдим. Етти яшар қизим бор. Уни отасининг фамилиясидан ўзимнинг фамилиямга ўтказишим мумкинми?***

**Хуршида ЧОРИЕВА,**
**Қашқадарё вилояти.**

Албатта, фарзандингизни ўз фамилиянгизга ўтказишингиз мумкин. Бу жараён Ўзбекистон Республикаси "Оила кодекси"-нинг 70-моддасига асосан амалга оширилади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи биргаликда яшайдиган ота-онанинг аризаларига биноан бола 16 ёшга тўлгунга қадар унинг исмини, фамилиясини ўзгартириши мумкин.

Мабодо, ота-она алоҳида яшашса (ажрашган бўлишса) ва бола билан бирга яшовчи она (ота) унга ўз фамилиясини беришни хоҳласа, маҳаллий ҳокимликлар қошидаги васийлик ва ҳомийлик органи бу масалани боланинг манфаатларидан ва ота (она)нинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилади. Қуйидаги ҳолларда ота ёки онанинг фикрини ҳисобга олиш шарт эмас:

- ота (она)нинг яшаш жойини аниқлашнинг имкони бўлмаса;
- ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлса;
- ота (она) муомалага лаёқатсиз деб топилса;
- ота (она) болага таъминот бериш ва уни тарбиялаш мажбуриятларидан сабабсиз бўйин товлаган бўлса.

Ўн олти ёшга тўлган боланинг исми ёки фамилияси эса унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас.

### ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШ МУДДАТИ

***Фуқаро пенсия ёшига етгач қанча вақт ичида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига пенсия тайинланишини сўраб ариза бериши керак?***

**Бахринисо ИСОМОВА, Термиз шаҳри.**

Агар фуқаро пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб уч ой ичида унинг тайинланишини сўраб меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига мурожаат этса, у пенсия ёшига тўлган кундан эътиборан тайинланади. Бошқа ҳолларда эса Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунининг 47-моддасига асосан пенсия тўлаш мурожаат этилган кундан бошлаб белгиланади.

**ДАРМОН ёзиб олди.**


## «TO'RABEK ZIYO» ўқув маркази

**Ҳурматли ва азиз ота-оналар!** Фарзандларингиз келажакда танлаган соҳалари бўйича етук кадр бўлишини истасангиз, биз билан ёшликдан билим чўққиларини мустаҳкам эгаллашига замин яратасиз, деган умиддамиз!!!

**"Эй ўқувчи** — бу ҳаётда обрўли, кучли, енгилмас, иродали, **бой бўлишнинг ягона калити — билимдир.** Уни эгалласанг юқоридагиларга албатта эришасан. Шунинг учун **юракдан ўқи, бўлмаса сарсон бўласан!!!"**

***МАРКАЗ ШИОРИ***

Тошкент шаҳрида яшаб мактаб, коллеж, лицейларда ва боғчаларда ишлаётган тўлиқсиз ўрта маълумотга эга **ўқитувчиларни, тарбиячиларни ТДПУнинг махсус сиртқи факультетига,** поликлиника ва турли шифохоналарда, тиббиёт коллежларда ишлаётган тўлиқсиз олий маълумотга эга бўлмаган ҳамшираларни **Тошкент тиббиёт академияси қошидаги "Олий тоифали ҳамшира" махсус сиртқи факультетига,** Тошкент шаҳрида ўқиётган 5-6-7-8-9 синф ўқувчиларини ҳамда лицей, коллежларда ўқиётган ўқувчиларни, республика миқёсидаги олий ўқув юртларига тайёргарлик кўраётган **абитуриентларни чуқурлаштирилган дастур асосида** Ўзбекистон Республикасидаги барча олий ўқув юртларига ҳамда, **"Westminster", Garvard, Oksford, Kembrij** ва бошқа чет эл ўқув юртларига **(TOEFL доирасида)** қуйидаги йўналишлар бўйича кириш имтиҳонларига **кафолатли тайёрлайди:**

**Иқтисод йўналиши:** математика, инглиз тили, она тили ва адабиёт; тарих;

**Ҳуқуқшунослик йўналиши:** тарих, инглиз тили, она тили ва адабиёт; математика;

**Тиббиёт йўналиши:** биология, кимё, она тили ва адабиёт; физика

**Техника йўналиши:** математика, физика, она тили ва адабиёт; тарих;

1. **Компьютер саводхонлиги** - компьютер ҳақида бошланғич маълумотлар.
2. **Windows XP** - сиз уни, у сизни тушунади.
3. **Microsoft Word** - матнлар билан ишлаш.
4. **Microsoft Excel** - электрон жадваллар билан ишлаш.
5. **Microsoft Power Point** - тақдимотлар тайёрлаш ва намойиш этиш.
6. **Интернет ва E-mail** - бутун дунё бўйлаб саёҳат...
7. **Web-саҳифалар яратиш** - безаклар, расмлар билан ишлаш.
8. **Бошқа тадбиқий программаларда ишлаш** - (сканер, антивирус, архив...)
9. **Ҳар хил дастурларни компьютерда яратиш.**

**Ўқув маркази тил ўрганувчиларни инглиз, рус тили курсларига таклиф қилади.**

**Ўқув марказида уй ҳамшираси, болалар массажи курслари мавжуд.**

**Дарсларни конкурсларда ғолибликни қўлга киритган, тажрибали мутахассислар олиб боради.** Тингловчилар ҳар куни соат **08:00дан 18:00 гача** қабул қилинади.

**Ўқув маркази раҳбарияти дарсларнинг сифатини кафолатлайди.**

**Тингловчилар ўқитувчиларни танлаш имкониятига эга.** Вилоятлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Тингловчиларга сертификат берилади.

**Манзил:** Хадра меҳмонхонаси, 6-қават.

**Мўлжал:** Тошкент Давлат цирки биноси ёнида. **Тел: 244-26-09, 244-26-34**



## АБДУРАҲМОН хусусий шифохонасида

**ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:**

**1.** Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
**2.** Аллергик вазомотор ринитлар.
**3.** Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
**4.** Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги "тиқилиш ҳисси", сабаби аниқланмаган йўтал.
**5.** Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
**6.** Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
**7.** Шалпангқулоқликни, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворини жарроҳлик йўли билан даволаш самарали усуллар билан бажарилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32ªуй. Телефон: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: "Чилонзор" метроси бекатидан "Собир Раҳимов" метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.**


Тошкент шаҳар, С. Айний номли 84-ўрта мактабнинг 1968-1969 йил битирувчилари ва мураббийларини 2008 йилнинг 20 апрел, соат 10:00да бўладиган дийдорлашув маросимига таклиф қиламиз.


**Ўзбекистондаги хорижий корпорацияда даромадли, ҳалол қўшимча иш. + Пенсия. Тел (+99871) 247-12-20**


Тошкент шаҳар, С. Раҳимов туманидаги 234-ўрта таълим мактабидан **ҚАЮМОВА МАЛОҲАТ КОМИЛЖОНОВНА**га 1993 йилда берилган ВУ-034938 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

## БЎРИ — НАЖОТКОР

*туш таъбирномаси*

Дадамнинг синфдоши Ҳотам амаки гапдан гап чиқиб, бир туш кўрганини ва унинг таъбирини гапириб берди.

- Бир куни арзимас баҳона туфайли ишдан ҳайдалдим. Ўғриликда айблашди. Ишларим тескарисига айланиб кетди. Ҳар гал бу ишни қилмаганимни айтсам-да, улар менга ишонишмасди. Бу ишларни кимдир атайин қилаётганини сезар, лекин ким томонидан қилинаётганини билмасдим.

Кунларнинг бирида туш кўрдим. Тушимда бир қоп-қора бўри энг яқин дўстим, ташкилотда бирга ишлайдиган Содиқни таъқиб қилаётган экан. Мен эса бўрига: "Ундай қилма, ёввойи бўри! Ахир, бу менинг энг яқин дўстим-ку", деб бўрининг ортидан югурибман.

Тушимнинг таъбирини била олмай, анча ўйланиб юрдим. Кўп ўтмай маълум бўлдики, энг яқин дўстим Содиқ мени ўғриликда айблаган ва ишдан ҳайдалишимга сабаб бўлган экан. Мен айбсиз топилиб, ўз иш жойимга қайтдим. Тушимдаги бўри менга нажоткор бўлган экан. Буни мен кейин англаб етдим.

**Фурқат КАРИМОВ,**
**Боёвут тумани.**

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Сиз қатъий ва жиддийсиз. Кўпдан буён ўйлаб юрган муҳим ишларингиз шу ҳафтада ечимини топади.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Севгилингиз билан бўладиган учрашувлар сизни кутмоқда. Чоршанба куни хушхабар эшитасиз.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Ортиқча ҳаражатлар қилмасликка ҳаракат қилинг. Акс ҳолда маблағдан қийналиб қоласиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Соғлиғингиз билан боғлиқ муаммоларга дуч келсангиз-да, ҳаммаси яхши томонга ҳал бўлади.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Бир маромда кечган ҳафта сўнггида сизни олисдан келган дўстларингизнинг ташрифи хурсанд қилади.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Ижодкор ва санъаткорларнинг орзулари амалга ошадиган ҳафта. Жума куни соғлиғингиз безовта қилиши мумкин.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Молиявий аҳволингиз бироз оғир бўлса-да, сизни оилангиз даврасида бўладиган кўнгилли дам олиш кутмоқда.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Ҳамкорларингиз билан тузиладиган шартномаларни диққат билан ўқиб чиқиб, сўнг имзоланг.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Кўпдан буён ўйлаб юрган режаларингиз шу ҳафтада амалга ошса-да, мағрурланиб кетманг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Ҳафтани куч-ғайрат билан бошлайсиз ва анчагина ютуқларни қўлга киритиб, ҳамкасбларингизнинг ҳурматига сазовор бўласиз.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Сиз кутган инсон шу ҳафтада ёнингизга келади. Кўпдан буён кутиб юрган бахтингизга эришасиз.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Бошланажак ҳафта сиз учун хотиржам кечади. Вақтингизни уй-рўзғор ишларига бағишлаганингиз маъқул.

# Ҳар сўзинг ибодат бўлмаса агар...

**ЧЎЛПОН (салафларга эргашиб)**

*Шоир бўлиб бўлмас асло дунёда,*
*Хиёнат қилмаса агар дўстларинг.*
*Тобут кўтармасанг пою пиёда,*
*Ташлаб кетганида яқин-ўзларинг.*

*Ҳасад қилмасалар ёзган шеърингга,*
*Газетни тўлдириб қилмаса ғийбат,*
*Душмани кам одам кичик одамдир,*
*О, шунда ҳолингдан қиламан ҳасрат.*

*Ботқоққа тушса ҳам қуёшнинг нури,*
*У қуёшлигича қолаверади.*
*Шоирнинг қисмати Ёритмоқ фақат*
*Ҳар ким ўзича нур олаверади.*

*Шоир бўлиб бўлмас асло дунёда,*
*Қон ҳидин туймасанг сут билан қўшиб.*
*Юксакдан яхшироқ кўринар экан*
*Бир-бирига ўхшаб-тобут ва бешик.*

*Чалмай тур суринги бир пас, Исрофил,*
*Улгурай, элимга чин фарзанд бўлай.*
*Чўққини кўрмасдан кетмасин ғофил,*
*Ҳасадгўй дўстларим бунда чақирай.*

*Сирот кўпригига ўхшар шеърият,*
*Унда сўзлаб бўлмас ёлғондан сира.*
*Мана, тахайюлнинг шаробига боқ,-*
*Кел, уни ичайлик қолиб бокира.*

*Ғунча астаридан настарин бир бўй,*
*Оёқланг чопган ўтлоқдан бир куй,*
*Ва-Виждон: Ватанин севган ҳар шоир*
*Қолдирмоғи керак ўзидан кейин.*

*Ҳар сўзинг ибодат бўлмаса агар,*
*Ҳар куни'нг элингга бир эм бўлмаса.*
*Тимсолда, мисолда, ҳар бир ташбеҳда,*
*Айтган ҳар сўзингга сен тенг бўлмасанг,*
*Шоир бўлиб бўлмас асло дунёда...*

*Яшаш нима ўзи, тириклик нима,*
*Ҳайратланиш нима абадиятдан.*
*У-Тангри юборган охирги кема,*
*Оқибат ахтариш сабабиятдан.*

*Тавҳид нийнасини жисмима санчиб,*
*Таннинг деворидан чиқмоқ бўлар жон.*
*Биз дунё сиррининг тубига етдик,-*
*Умр — бу изҳори дил учун имкон.*

* * *

*Мен етиб келганда асрим пойига,*
*Ҳикмат ахтаради сўздан дайрлар.*
*Дафна баргларини тақмоқ ўйида*
*Навбатда турарди кўпи шоирлар.*

*Барча сараланган гул сари интиқ,*
*Барчага интиқдир бир парча тупроқ.*
*Унда сўниб борар минг йиллик битик-*
*Оёқлар тагида қолган қизғалдоқ.*

*Кутдим. Кутавердим, етмади навбат,-*
*Ҳамма олар гарчи насибасини.*
*Мен оёқ пойида қолган гул учун*
*Бағишладим умрим саҳифасини!*

**ОНА ҲАҚИДА СЎЗ**

*Мен онамни алиштирдим шаҳарларга,*
*Қўлларига сув қуймадим саҳарларда.*
*Шоир бўлгин қизим, дея жўнатувди,*
*Лек шеърларим қолиб кетди дафтарларда.*

*Мен онамни алиштирдим шаҳарларга,*
*Умрим бердим вафоси йўқ гўзалларга.*
*У-чи борлиқ, ёшлигини менга берди,*
*Энди бир тиш тополмайди гавҳарларга.*

*Мен онамни алиштирдим шаҳарларга,*
*Бир бойчечак келтирмадим баҳорларда.*
*Мен қиз бўлиб қўйлагини бир ювмадим,*
*Лек қолдирдим уни ҳижрон-заҳарларда.*

*Мен онамни алиштирдим шаҳарларга,*
*Бир куюк нон изин қувдим наҳорларда.*
*Бир кўрайин дея мени йўқларганда*
*Дедим:"Вақт йўқ, кутинг бошқа сафарларда!"*

*Бугун уни тўшакларда кўриб қонман,*
*Мен қиз эмас, ўзин чаққан бир илонман.*
*Оёқларим шамолига зор бўлганда*
*Шуҳрат кетин қувиб юрган бир ёмонман.*

ШЕЪРИЯТ ДАФТАРИДАН

*Бу савлатлар кимга керак, бу давлатлар,*
*Ул ҳашамнинг бордир бир кун ҳасратлари.*
*Дўстлар, бу ер қандай кўтаради,*
*Онасини зор қилганда фарзандлари.*

*Фарзанд ҳиди жаннатларга қоришиқдир,*
*Она ҳиди билан йўллар ёришиқдир.*
*Онажоним, мен асли бир ношуд бола,*
*Сенинг меҳринг ҳеч тугамас бир қўшиқдир!*

*Ул қўшиқни алиштирдим шаҳарларга,*
*Дуо қилгин, она, мени саҳарларда.*
*Оёғимга оёқ бўлай, қўлингга қўл,*
*Ахир сени тополмасман гавҳарларга!*

* * *

*Қайсидир кўнглини йиғлатади май,*
*Қайсидир булбулни хор қилар чаман.*
*Қаноти кесилган бир қуш бўлсам ҳам*
*Сенинг ҳузурингга учаман.*

*Тоғ-довон ошаман судралиб беҳуш,*
*Нозик оёғимга кирса ҳам тикан.*
*Ўзга ошиқларни кўрсанг ҳамки туш,*
*Сенинг ҳузурингга учаман.*

*Ташнадан қочади ариқларда сув,*
*Сўқирдан қуёш ҳам нурини аяр.*
*Сенинг ҳузурингга чопганим сайин*
*Ўртада масофа фақат кенгаяр.*

*Ҳар тонг гунчасини кўз-кўз қилар боғ,*
*У-ла топишай деб ўзим йўқолдим.*
*Айбим-қучоғингдан изладим ардоғ,*
*Сен менга кераксан нондан ҳам олдин!*

*Мен-ёлғиз, мен-ношуд, укпардай вужуд,*
*Забардаст тоғларга урилсам экан!*
*Шунда ҳам заррага айланиб қолиб,*
*Ғунча япроғингни қучаман.*

*Қизнинг қўлларини кутган ялпиздек,*
*Инжа дийдорингга зорман,ташнаман.*
*Лабларидан узилган энг тансиқ сўздек-*
*Сенинг ҳузурингга учаман...*

**ИЗҲОР**

*Бир дарёнинг сувин ичиб бўлдик Эл,*
*Парча этдан битди томир-суягим.*
*Эй шоирим, бу кунларни ашъор қил,*
*"Юртим", дея кўтарилди иягим.*

*Қизғалдоқдек даласида ўсмасам,*
*Келармиди жўшқин-жўшқин куйлагим.*
*Алпомишу Барчинларни эсласам,*
*"Сурхон"десам, ҳапқирайди юрагим.*

*Ҳақиқий бахт шу саройдек чўлларда,*
*Бахмал-бахмал адирларда кўшк экан.*
*Момоларим излари бор йўлларда*
*Қишлоқ чанги атир экан, мушк экан.*

*Аҳмад фермер мактаб қурар Сурхонда,*
*Мамат дўхтир "Қаро кўз"ни тинглайди.*
*Тоштемиру Зоирлари омонда,-*
*Марднинг ишин Худо ўзи ўнглайди!*

*Бир чигитга йиллаб кўзи қадалган,*
*Бир бошоқдан ризқ кўпайтган деҳқоним!*
*Иброҳиму Қурбон ота аталган,*
*Эргашбеклар тузди зафар қўрғонинг!*

*Вахшиворда юлдузларга қўл чўзсам,*
*Бойсун тоғи елкасини тутади.*
*Арзир қанча юртга меҳр кўргизсам,-*
*Аждодлардан авлодларга ўтади.*

*Эркин, Усмон, Сайийдлари омон юрт,*
*Алп-ботирлар кўр ташлаган Сурхоним!*
*Оллоёрлар севиб назар солган юрт,*
*Сен-ла тўкис буюк Ўзбекистоним!*

*Қизғалдоқдек даласида ўсмасам,*
*Келармиди жўшқин-жўшқин куйлагим.*
*Алпомишу Барчинларни эсласам,*
*"Сурхон"десам , ҳапқирайди юрагим!...*

**Гуландом ТОҒАЕВА**



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

**АМЕРИКА ҚИТЪАСИ КАШФ ЭТИЛГАЧ...**

Америка қимматли металларга жуда бой эди. Америка қитъасидан келтирилаётган тилла ва кумуш ҳисобига Европада саноат, банклар фаолияти ва тижорат ривожланди. XVII ва XVIII асрлардаги иқтисодий, техник ва илмий тараққиётга тамал тоши қўйилди. Булардан ташқари Америка қитъаси шу вақтгача бошқа элларда маълум бўлмаган ҳайвонлар ва ўсимликларга ҳам бой эди.

Бу ўсимликларнинг аксарият қисми дунёнинг бошқа қитъаларидаги аҳоли учун асосий озиқ-овқат маҳсулотларига айланиб қолди. Масалан, маккажўхори, картошка, помидор, авокадо, какао, ананас кабилар бугунги кунда кўпгина давлатларда асосий егуликлар саналади.

Шунингдек, тамаки ва каучук, паррандалардан эса курка бошқа мамлакатларга айнан Америкадан келтирилган.

**РЕФОРМАЦИЯ НИМА?**

XVI асрда черковнинг яхлитлигига рахна солган ва насронийлик тарихидаги энг оғир бўҳронни келтириб чиқарган ҳаракат тарихда ***реформация*** деб аталади. Унинг асосий вакили немис диншуноси Мартин Лютер бўлиб, у католик черковини диндорларнинг маънавий эҳтиёжларидан кўра ўзининг иқтисодий



ва сиёсий манфаатларини кўпроқ илгари сураётганликда айблади. У Инжилнинг эркин талқин этилишини маъқуллар, Рим папасининг яккаҳокимлигини инкор этарди. Муқаддас китобларни бундай тарзда талқин этиш Лютернинг талқинидан ташқари француз диншуноси Жан Калвиннинг сал бошқачароқ бўлган талқинини ҳам юзага келтирди. Лютер ва Калвинларнинг назариялари Европанинг шимоли ва марказида кенг тарқалади, ҳатто Англияда англокан черкови ҳам пайдо бўлади. Ўрта ер денгизи атрофидаги мамлакатлар эса аксинча католик черкови ғояларига содиқ қолишади ва улар XVI аср ўрталарида янги оқимлардан динни ҳимоя қилиш мақсадида Италиядаги Триент соборида бирлашадилар. У ерда қабул қилинган қарорлар дин тарихида контрреформация номи билан машҳур. Европа католик ва протестантлик ғоялари амал қиладиган давлатларга ажралиб кетади. Қарашлардаги қарама-қаршиликлар ва келишмовчиликлар кўп бора улар ўртасида урушларни ҳам келтириб чиқарган. Мана шундай урушларнинг энг қақшатқичи ўттиз йиллик уруш бўлиб, 1648 йилда Вестфаль тинчлик битимининг имзоланиши билан якунланади ва у Францияни даврнинг энг йирик ва буюк давлатига айлантиради.

**XVII АСРДАГИ АБСОЛЮТ ЖАМИЯТ**

Эски тузум номи билан тарихда қолган барокко даври жамияти кўп жиҳатдан адолатсиз эди. Унда табақаланган учта катта ижтимоий гуруҳ мавжуд бўлиб, улар дворянлар, руҳонийлар




ҳамда оддий халқ вакиллари ҳисобланарди. Дворянлар (уларнинг тепасида қирол турарди) ва руҳонийлар (епископлар, аббатлар ва бошқалар) аҳолининг камгина қисмини ташкил этишса-да, амалда уларнинг қўлида жуда катта сиёсий ва диний ҳокимият жамланганди. Улар катта-катта ер-мулклар соҳиблари бўлиб, турли имтиёзлардан ҳам фойдаланишарди. Жумладан, солиқ тўлашмас, жиноий ва бошқа ишлар юзасидан ҳакам сифатида ҳукмлар чиқариш ваколатига эга эдилар. Аксарият ҳолларда эса бу ҳукмлар қонун талабларидан эмас, балки шахсий манфаатдан келиб чиқиб эълон қилинарди.

Савдо-сотиқ ва тобора ривожланиб бораётган саноат ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи буржуйлар ҳам учинчи табақага мансуб эдилар. Солиқларнинг юқорилиги, ҳосилнинг каттагина қисми ер эгалари томонидан олиб қўйилиши боис деҳқонлар оғир аҳволда кун кечиришарди.

**БАРОККО ДАВРИДАГИ МАШҲУР КЎНГИЛОЧАР ТАДБИРЛАР**

Европадаги барча йирик шаҳарларда ўша даврларда театрлар мавжуд эди. Театр томошаларига бой-бадавлат кишилар ҳам, оддий одамлар ҳам боришлари мумкин бўлиб, улар бу ерга энг яхши ва энг чиройли кийимларини кийиб боришарди. Масалан, ўша даврда Англиянинг энг машҳур театри "Глобус" деб номланиб, Уильям Шекспир ўзининг аксарият машҳур пьесаларини, хусусан "Гамлет" ва "Ромео ва Жульетта"ни шу ерда саҳналаштирган. Франция пойтахти Парижда эса комедиянавис муаллифи Жан Батист Поклен катта шуҳрат қозонган бўлиб, у ўз мухлислари орасида Мольер таҳаллуси билан маълум ва машҳур эди. Испанияда театрларни комедия ҳовлилари деб аташган. Бу ерда Лопе де Вега мухлисларнинг севимли адибларидан бири саналган.

**БАРОККО ДАВРИ АДАБИЁТИ**

Барокко даврида адабиёт ҳам ривож топа боради. Бу даврда яратилган романлар орасида энг машҳури "Ламанчлик айёр Дон Кихот" асари бўлиб, унинг муаллифи Мигель де Сервантес эди. Айнан Сервантес мана шу асари билан замонавий романчиликка асос солган деб ҳисобланади. Бу асарда Кастилиянинг Ла Манч деган жойидан чиққан Дон Кихот исмли кишининг рицарлик орзусида саргузаштлар излаб дунё кезгани ва хаёлпарастлиги боис бошидан кўплаб кулгили ҳамда аянчли воқеаларни кечиргани ҳикоя қилинади. Бутун саёҳати давомида оддий деҳқон йигити Санчо Пансо унга ҳамроҳлик ва қуролбардорлик қилади. Кўплаб омадсизликлардан сўнг Дон Кихот уйига қайтади ва ўлими олдидан ақл билан иш кўрмаганини англаб етади.

**ДАРМОН тайёрлади.**

# САНДИҚ БЕВАҚТ ОЧИЛСА...



Сандиқ ҳар бир ўзбек хонадонининг кўрки бўлган, кўҳна бисот, жимжимадор нақшлару, кўзни олар даражада товланиб, уйга қандайдир чирой бағишлаб турган каттагина қути. Қадимдан сандиқ мол-мулк ёҳуд узоқ асралиши лозим бўлган буюмлар солинувчи, фақат яхши кунларгагина аталган, у хоҳ идиш буюм бўлсин, хоҳ газлама мато, гоҳида моддий бойликни ҳам сақлаб туради ўзида. Сандиқнинг ўз эгаси бўлиб, у фақат ана ўша инсон номига боғланиб аталиши сир эмас. Момонинг сандиғи, онанинг сандиғи ёки келиннинг сандиғи. Бу мулк қасрининг эшиклари ана шу соҳиблари томонидангина очилади ва унга нимадир солиниб, нимадир олинади. Устига кўрпатўшаклар бир текисда тахланган бу ноёб қути кимгадир мерос бўлиб берилиши ҳам урф-одатларимизнинг нақадар беқиёс эканлигидан далолатдир. Айтадилар-ку: "Бу бувимдан қолган сандиқ, уни кўз қорачиғидай асрайман!" деб...

Лекин ана шу ноёб ва қадрли сандиқ берухсат очилса-чи?! Унда нима бўлади? Балким, бу ҳам айтарли ҳайратланарли воқеа эмасдир.

Шарифа ая бирровгинага қизиникига ўтиб кетганди. Уйда келини Шоҳистахон ёлғиз ўзи қолган. Шу пайт Шарифахон аяни йўқлаб чиққан қўшни аёл келинга тайинлади:

**Турмуш сабоқлари**

- Шарифахон ая соат 12 да бизникига кирсинлар, озгина ош бор. Қайнонамнинг туғилган кунлари эди.

- Хўп, - деди Шоҳистахон.

Сўнгра уйга кириб, соатга қараган келин, вақт 12 га яқинлашиб қолганини билди. "Ойим келса, дугонасига совға ахтаргунча вақт ўтади. Мен бир нарса қилай..."

Шу дамда Шоҳистахоннинг хаёлига: "Очиқда яхшироқ нарса йўқ, лекин ойимнинг сандиқларида рўмолми ёки бир нима бордир", деган ўй келди-да, қайнонасининг сандиғи қаршисида пайдо бўлди. Кўрпачаларни бир-бир йиқитар экан: "Тўғри қилаяпманмикан? - деб ўйларди. - Майли, келишларига тайёрлаб қўйсам, ойим хурсанд бўладилар".

Сандиқни очаётган келиннинг кўнглида ўзга гап йўқ эди. Худди шу пайт уйга кириб келган Шарифа ая сандиқни "титкилаётган" келинига кўзи тушди. У таажжуб билан қотиб қолди, бутун вужуди музлаб кетди. Қайнона чидаб туролмади:

- Нима излаяпсиз, келин? - деди заҳарли оҳангда.

Шоҳистахон сапчиб тушди.

- Ойижон, анави Холида аянинг туғилган куни экан, 12 га дейишганди. Шунга келишингизга бир нима олиб қўйсам, кечикмай кирарсиз дегандим, - қайнонасининг важоҳатидан қўрқиб кетган келин дир-дир титрарди.

- Нима, Холидахоннинг туғилган кунига сизни айтишдими ёки менини?

- Менинг ёмонлигим йўқ, ойи.

- Нега сандиғимни берухсат очдингиз, уялмайсизми, ўғирлик қилгани?!

Келиннинг ҳуши бошидан учди.

- Ўғирлик... Ойи, бу хаёлимга ҳам келмаган. Бундай деманг!

Шоҳистахон қайнонасининг оёғига ёпишди.

- Ўғирлик қилиш учун бир нарсани олиш шартмас, аслида бировга тегишли бўлган сандиқни берухсат очиш ҳам ўғирлик ҳисобланади. Ким айтади сизни ўқиган деб-а?!

Қайнона ўчириб бўлмас оловга айланди.

- Лекин ойи... ўлай агар, сизга ёрдам бўлсин, дегандим.

Қайнона бу ҳолатга дош беролмади. Хаёлига юз хил фикр келарди. Ёши 70 га борибдики, бир уйда бўлса ҳам, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳеч кимнинг сандиғини берухсат очиш тугул, сандиққа яқинлашмаганди-я! Шоҳистахон аяга бу хаёллар тинчлик бермасди.

- Ойи, мени кечиринг, жон ойи.

- Ўлимтийимни ҳам бемалол сақлай олмайин экан-да, энди ўз уйимда. Менинг ўрним, ҳурматим йўқми? Шу ниятингиз бор экан мени кутмайсизми? Яхшилик қилмоқчи экансиз, мени эмас, ўз сандиғингизни ковламайсизми?!

Шарифа аянинг вужуди қизий бошлади, келиннинг бу ўзбошимчалигини ҳазм қилолмаган она шу ердаёқ ҳушини йўқотди. Келин дод солди, қўни-қўшниларни ёрдамга чақирди. "Сандиқ очмай ўлай!" дея сочини юлди. Касалхонада кўзини очган онанинг атрофида гирдикапалак бўлаётган Шоҳистахон қайнонасининг кўзига ўғри бўлиб кўринар, уни ҳар кўрганда қайнонасининг асаби бузиларди.

Аҳволи яхшиланиб, уйга қайтган Шарифахон ая келинини кечиролмади. Ўғлига масалани кўндаланг қўйди:

- Бошқа одам бўлганда, келинни йўқотарди. Ниятим яхши эди, дегани учун ҳам уни кечиролмасам-да, мен билан бир уйда яшашини истамайман. Уй топиб чиқиб кетинглар.

Ўғил ялиниб-ёлворди. "Қариганингизда ёлғиз яшайсизми, айтинг унинг жазосини берай!" - деди.

Келин тиз чўкди, лекин Шарифа ая қарорини ўзгартирмади...

Мана, ўша воқеанинг кўриниши. Кимдир келинни оқлади, кимдир эса йўқ. Қайнонани қўллаб-қувватлаганлар ҳам ёхуд айблаганлар ҳам топилди. Бу воқеани атрофдагилар қайнонадан эмас, аксинча келиндан эшитдилар. Шарифа ая: "Кўнглим ёлғизликни тусаб қолди", деб қўя қоларди. Эшитганим, ушбу вазиятни ўзимча таҳлил қилолмасдим. Шунинг учун ҳам воқеа қаҳрамонлари номини тўлиқ билдирмай, воқеани уч-тўрт тажрибали оналар ҳукмига ҳавола этдим. Улар эса қуйидагича фикрлар билдиришди:

- Аслида қайнонани оқлайман. Агар у ёмонликка олганда, келини билан ўғилни ажратиб юбориши мумкин эди. Лекин ўз номини, ҳурматини, қолаверса, набираларини ўйлаган чоғи, шу йўлни тўғри, деб танлаган, - деди бири.

Иккинчиси эса:

- Келин бу ишни бир қилибдими, у яна такрорлаши табиий ҳол. Агар қайнона индамай: "Яхши қилибсиз, ақлли келиним!" деганда у учун бундай ҳолат одатга айланиб қоларди, - деди.

- Келиннинг ёмонлиги йўқ эди. Буни қайнона тўғри тушуниши, лекин қайтиб бу ишга қўл урмаслигини тушунтириши керак эди, - дея келиннинг ёнини олди учинчи ҳамсуҳбатим.

- Кўнгил нозик чинники, синса қайтиб тикланмайди. Қалбига жароҳат солган келинни алоҳида ҳовлига чиқариб, ўз набираси билан яшаётган қайнона аслида бу ҳолни ўзига нисбатан ҳурматсизлик, деб билган ва келинни кечира олмаган, - шундай жавобни ҳам эшитдим.

Ҳа, қарашлар, фикрлар турфа хил. Ҳар кимнинг ўз мулоҳазасини дадил айта олиш ҳуқуқи бор. Нима бўлганда ҳам айтиб ўтилган воқеадан тўғри хулоса чиқаришимиз лозим. Сиз-чи, азиз муштарий?!

Бу воқеага қандай муносабат билдирган бўлардингиз? Фикрингизни биз билан ўртоқлашинг.

**Маҳлиё БОЙБОБОЕВА,**
**Фарғона шаҳри.**

# ИЗЗА

Бу воқеага 2-3 йиллар бўлди. Эсласам, юрагимнинг аллақаерида ҳамон сим-сим оғриқ сезаман.

Бухоро-Янгибозор йўналишида кетаётган автобус Ромитан шаҳрига келганда бир дам тўхтаб, янги йўловчилар олдида оғир қўзғалиб қўлга тушди. Шаҳардан чиқаверишда паттачи орқа тарафга ўтиб, йўлкира учун пул йиға бошлади. У ҳар бир йўловчи қаршисига келганда: "Қаердан миндингиз, қаергача борасиз", деб сўрар ва борадиган манзилнинг узоқ-яқинлигига қараб, пул талаб қиларди.

- Ромитандан миндим, Янгибозоргача кетаман, - деди негадир овози қалтириб кўринишидан талабага ўхшаш йигитча.

- Ёлғон гапирма. Бухородан келаяпсан, яна икки юз сўм бер, - деди паттачи қўрслик билан.

- Йўқ, Ромитандан миндим, ака, нега ишонмайсиз, - деди йигитча кўзлари жавдираб.

Икки кишининг талашиб-тортишаётгани мудраб кетаётган йўловчилар диққатини ўзига тортиб, ҳамма орқага ўгирилиб қарай бошлади. Талаба йигитча бу эътибордан баттарроқ қизариб-бўзариб, ўзини оқлашга ҳаракат қилар, лекин кўпни кўрган назоратчи учун унинг ҳамма гапи бир пул эди. Бу орада шаҳар ортда қолиб, икки томонда оппоқ қор босган далалар кўзга ташлана бошлади.

- Мен ҳам кўрдим, бу бола Бухоро автобекатидан автобусга чиққанди, - деди маҳмадоналик билан орқада ўтирган ўспирин йигитлардан бири.

Бу луқма ҳамон тортишаётган талаба йигитчанинг сўнгги умидини ҳам пучга чиқариб, энди ялинишга тушди.

- Ака, жон ака, уйимга етиб олай, бир ойдан бери ота-онамни кўрганим йўқ...

Менимча унинг "пулим йўқ" дейишга бети чидамас, кўпчилик олдида буни бўйнига олишни уят деб ҳисобларди, шекилли.

- Э, сен билан ади-бади айтиб ўтиришга менда вақт борми, қани туш, кўзимга кўринма, - дея паттачи йигитчанинг ёқасига чанг солди.

Ранги бўздай оқариб, ҳамон ялинишдан тўхтамаётган талабани олдинги эшик олдига олиб келди-да, ҳайдовчига тўхташни буюрди. Эшик очилиши билан уни буюм сингари пастга улоқтириб, ортидан шалвираб турган спорт сумкасини отиб юборди. Автобус қўзғалиши билан бу аянчли манзарани жимгина кузатиб турган йўловчиларга жон киргандек бўлди. Биров йигитчани "афирист, фирибгар"га чиқарса, биров унга ачинган бўлиб, паттачига "чакки қилдингиз" дегандек бош чайқаб қўйди. Ҳалигина паттачига "гувоҳлик берган" орқадаги ўспирин эса деразадан ортига боқиб, изғиринданми, уятданми бўйнини ичига тиқиб, автобус ортидан пою пиёда йўлга тушган талаба йигитчани анчагача томоша қилишдан эринмади.

Бу воқеани эслаганимда вужудимда оғриқ уйғониши сабабини айтишдан олдин қуйидаги ҳикматни келтириб ўтишни лозим топдим.

Бир донишманддан: "Инсонга зийнат бўлгувчи хислатлар қайси"? - деб сўрашганида: "Уч нарса, - деб жавоб берибди донишманд, - булар саҳийлик, мардлик ва хушмуомалалик".

Шу донишмандона сўзлар мағзини чақишга уринганимда автобусдаги ўша воқеа эсимга тушади ва ўйлай-ўйлай ўзимча хулоса қиламан: йигитчанинг кўп олдида изза бўлишига сабаб унда мардлик, жасорат етишмаганидир. Агар у ёлғон ишлатмай, "пулим йўқ", деб рўй-рост тан олганида эди, эҳтимол ёқасига чанг солишидан ўзини асраб қололган бўлармиди? Паттачида эса хушмуомалалик етишмади, 100-200 тўлаб, ўша йигитчанинг манзилига етишига кўмаклашсак, бир жойимиз камайиб қолмасди. Шунга иқрор бўларканман, вужудимда уйғонган оғриқни босишга куч тополмасдим.

Майли, нима бўлганда ҳам ўша кунги совуқда яёв уйига қайтган йигитчанинг ҳаётда ёлғон ишлатиб, обрў топиб бўлмаслигига ишонгани рост бўлсин, илойим.

**Зуҳра ҚУРБОНОВА,**
**Бухоро вилояти.**

Эр-хотинлар тоифаси

# МЕҲР-МУҲАББАТСИЗ ЖУФТЛИК

Менинг Суръат деган бир танишим бор. У билан борди-келдимиз камроқ бўлса-да, ҳар қалай унинг ўз хотинига, қолаверса, оиласига бўлган муносабатини унча-мунча биламан. Уйлангандан кейин унинг 5-6 йилги турмуши мақтовга лойиқ бўлмаса ҳам ҳар ҳолда тинч-тотув ўтди. Қачонки, икки қиз, бир ўғилли бўлгач, секин-аста танишимнинг ўз хотинига, болаларига яна ҳам беэътибор бўла бошлагани менга сезилиб қолди. Масалан, хотини Тожихон нима иш қилаяпти, қаерга бориб, қаердан келаяпти, қанақа кийим кийиб, кимлар билан мулоқот қилиб юрибди, нима еб, нима ичаяпти, кеча қанақа овқат қилган эди, бугун нима овқат қилди - иши бўлмай қўйди. Хотини унинг олдига қанақа овқат олиб келиб қўйса, индамай ичаверди. У болаларига ҳам айтарли аҳамият бермайдиган бўлиб қолди. Уларнинг таълим-тарбияси билан фақат онаси шуғулланди. Очиғини айтганда, хотини ҳам фарзандларини уришиб, силталаб, “уни қилма”, “бунга тегма”, дейишдан нарига ўтмасди. Суръат эса фақат баъзан-баъзан, шунда ҳам Тожихоннинг зўри билан болаларига танбеҳ бериб қўярди, холос. Олдига олиб, уни-буни кўрсатишни, дарсларига кўмаклашишни, онасига уй ишларида ёрдам беришни ўргатишнинг кўчасига кирмасди. Ишга эрта кетиб, кеч келарди. Меҳнатдан қочмасди. Ҳар нарсага ақли етарди. Уйда нима иш чиқиб қолса ёки хотини бирор иш буюрса, индамайгина бажариб, ўрнига қўйиб қўярди. Рўзғор анжомларими, асбоб-ускуналарми бузилиб қолса, дарҳол созлаб ишлатиб берарди. Аммо ой-йиллар ўтиб борган сайин бу эр-хотиннинг ўртасидаги илиқлик, тотувлик кетиб, ораларидан оқибат кўтарилиб бораётгани ҳаммага бўлмаса ҳам ёки ўзларига билинмаса ҳам менга сезилиб турарди. Ёки менга шундай туюлармиди, билмадим. Бир вақт келдики, назаримда эр деган хожа хотини билан бутунлай иши бўлмай қолди. Умр йўлдоши нимани ўйлайди, қандай хаёллар билан яшаяпти, эртанги орзу-ўйлари қанақа - қизиқмай қўйди. Йўқ, улар ўртасига совуқчилик тушгани йўқ. Санманга ҳам боришмади, уриш-жанжал ҳам қилишмади. Ташқаридан қараганда, кўпчилик қатори эр-хотин бўлиб яшаб юраверишди. Болалар ҳам ўз вақтида мактабга бориб, вақтида келиб юришди. Ўртоқлари билан ҳам ўйин ўйнаб югургилаб юраверишди. Эр-хотиннинг ётар-тутари ҳам азалдагидай давом этаверди. Фақат дастурхон атрофида ўтирганларида бўлсин, эр-хотин холи қолганларида бўлсин, ўзаро ширин, самимий суҳбат бўлмасди, холос. На қўни-қўшнилар, на таниш-билишлар, на қариндош-уруғлар ҳеч ким ҳеч нарсани пайқашмади, билишмади. Гўё ҳамма нарса жой-жойида, ҳамма юмуш ўз ўрнида борарди. Эрталабки нонушта ҳам, тушлик уйда бўладиган бўлса, тушлик ҳам, кечқурунги ош-овқат ҳам ўз вақтида бўларди. Уй ишлари дейсизми, саранжом-сариштолик дейсизми - ҳамма-ҳаммаси ўз меъёрида эди. Ҳақиқатан ҳам уларнинг турмуши, бир қарашда, бир маромда, бир текис, ҳатто, осуда кечарди. Пул топиб келиб хотинга бериш ҳам, бозор-ўчар қилиб келиш ҳам ўзгармай келарди. Агар уйда бирор бир етишмовчилик чиқиб қолса-ю, хотинида пул бўлмаса: “Ҳой, адаси, “бунча” пул ташлаб кетмайсизми?” дерди-ю, шу билан олам гулистон бўларди.

Қисқаси, уларнинг ҳаёти бир қўшнидан камроқ бўлса, бир қўшнидан баландроқ эди. Таниш-билишлари орасида ҳам Суръат биридан пастроқ турса, биридан юқорироқ турарди. Улфатчиликни ҳам канда қилмасди. Баъзан-баъзан ичкиликдан кўпроқ нўш уриб қўйса, сал очилиб, сал керилиб қилган-қилмаган ишларидан мақтаниб қўяр эди. Шунда дўстлари хабар топиб қолардиларки, Суръат ўз ишига пишиқ. Ҳамма ишни киши билмас қилиб юраркан.

Шундай кунлардан бирида у мусалласдан анча тановвул қилиб қўйган экан, очилиб кетиб аслида қилмаган пинҳон ишлари борми, бекитиқча юрган-турганлари борми, йўқ, аёллар билан дон олиб юргани борми - мириқиб гапириб берибди. Буни обдон эшитиб олган бир дўсти гапдан ярим тунда уйига келиб хотинига: “Мени ундайсиз-бундайсиз”, деб ҳоли-жонимга қўймайсан... Мана, Суръат ўртоғим, қанча аёллар билан юрса ҳам, хотини чурқ этмас экан”, - деб оғзидан “гуллаб” қўйибди. Хотини эса бу гапларни оқизмай-томизмай Суръатнинг хотини - Тожихонга етказибди: “Тожихон, нима, сиз эрингизнинг ёмон аёллар билан юришини кўриб кўрмаган, билиб билмаганга олиб юрасизми? Қандоқ қилиб бунга чидайсиз?”-деб ётган илоннинг бошини қўзғаб қўйибди. Йўқ, ётган илоннинг бошини қўзғаб қўйибди эмас, шунчаки Тожихонни хабардор қилибди...

“Юрадиган” эркакларнинг ёки “юрмай” “юраман”, дейдиган кервоз эркакларнинг “юрадиган” аёллардан фарқи уларнинг бир кунмас бир кун қаердадир, кимгадир мақтаниб қўйишида бўлади, десам ажабланманг. Эркакларнинг баъзилари ўзларининг кервозликлари туфайли ўз бошларига ўзлари бало ёғдириб олишади, десам ҳам ажабланманг!

Аммо Суръатнинг хотини Тожихон чақимчи аёл назарида ғалати аёл экан. Унга эрингиз “юрар экан”, деса ҳам парвойига келтирмай: “Вой, овсинжон, менинг эрим сиздақа хотинларнинг эридан эмас. Адаси бечора бола-чақам, хотиним, деб кечасини кечаси, кундузни кундузи демай, ишлаб, оила тебратиб келяптилар. У кишининг бунақа “левий” юришларга вақтлари бор эканми? Сизнинг эрингиз ўзлари шунақа бўлсалар керак. Ёки “левий” юрадиган эркакларга оғизларидан сув келиб шунақа деган бўлсалар-чи?!” - деб жавоб қилибди.

Бу ёғига нима дейишни билмай қолган “овсин” гапи оғзида, дами ичида қолиб айтганларидан ўзи пушаймон еб, уйига қайтибди-ю, аламини эридан олибди: - “Ҳой, эр тағин сиз ўзингизнинг ҳаром-харишларингизни “ўртоғим айтиб берди”, деб менга кайфингизда гапириб берган бўлманг”, - дебди-ю, харҳаша кўтарибди.



Тожихон эса шу куни ҳам, эртасига ҳам эрига ҳеч нарса демабди. Ҳеч нарса бўлмагандай, ҳеч нарса эшитмагандай унга одатдаги кундалик муомаласини қилиб юраверибди. Эрида ҳам ҳеч қандай ўзгариш бўлмабди. Ҳар кунгидай ишига кетиб, ишидан келиб, уйидаги мўлжаллаб қўйган ишларини қилиб юраверибди. Қисқаси, уларнинг турмуш тарзи шу йўсинда давом этаверибди...

Фақат орадан бир ой чамаси вақт ўтганда эшитиб қолдим. Тожихон оёғини андак “чакки” босар эмиш. Мен тушундимки, шу гап рост бўлса, бу танишим Суръатнинг ёстиқдошига бемеҳрлигининг оқибати. Чунки аёлдир, эркакдир бир-бирига меҳр қўймаса, муҳаббати бўлмаса ёки оқибат кўрсатмаса, бир кунмас бир кун улардан бири иккинчисига бевафолик қилиши ҳеч гапмас! Меҳр-муҳаббатсиз жуфтлик нураб бораётган иморатга ўхшайди. Бирда бўлмаса, бирда у қулаб тушгудай бўлса, бунга ҳам ажабланманг.

***Меҳр берсанг, меҳр олгусидирсан,***
***Кўнгил қўйсанг, кўнгил топгусидирсан,***
***Эр-хотинлик қайтар баҳор бу***
***Оқибат кўрсат, оқибат кўргусидирсан...***

**Азимжон ҚОСИМОВ**

Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари

# БЕНОМУС ОТА

Курсимизда ўқийдиган бир боладан ҳар гал отаси ҳақида сўралганида “дадам ўлган...”, дея маъюс жавоб берарди. Унга негадир раҳмим келарди. Шунданми уй вазифаларига ёрдам берардим. У билан суҳбатлашгим, кўзларидаги бу қадар маъюслик сабабини билгим келарди. Аммо, у сира ҳам сир бергиси келмасди. Орадан анча вақт ўтгач, ўша курсдошим билан яқин дўст бўлиб қолдик. Бир куни оиласи ҳақида айтиб қолди:

- Қишлоқда жуда ҳам обрўли, ҳамма ҳавас қиладиган оилалардан бири эдик. Олти ўғилмиз. Ота-онам жуда аҳил яшашарди. Дадамнинг омади юришиб, туманга ишлашга таклиф этилдилар. Оилавий аҳволимиз яхшиланиб борарди. Дадам қишлоқ ва туман орасига қатнаш учун енгил машина ҳам сотиб олдилар. Саҳар кетиб, кеч қайтардилар. Бора-бора “қатнаш қийин бўлаяпти”, дея 3 кунда бир, кейинчалик ҳафтада бир келадиган бўлдилар.

Бир куни онамнинг юзлари, қўллари кўкарганини кўрдим. Сабабини сўрасам, “кеча оғилхонага кираётиб, эшикка уриб олибман”, дедилар. Кейинчалик билсам булар дадамнинг калтаклари дастидан экан.

Кунлардан бир куни мактабдан қайтаётсам бир тўда болалар йўлимни тўсиб: “Биласизларми, болалар, бунинг онаси 2 та. Бири районда яшайди. Ўшани деб отаси буларни ташлаб кетган”, дейишди-да, роса кулишди. Уйга йиғлаб келганимни кўрган онамга болаларнинг гапларини айтиб бердим. Онам бу гапларга парво қилмаслигини айтиб,-“Булар ҳали ёш бола-да, нима дейишаётганини билишмайди”, деб қўйдилар. Шундан кейин акаларим ҳам шунга ўхшаш гапларни топиб кела бошлашди. Бора-бора маҳаллада, қишлоқда бош кўтара олмай қолдик. Дадам келганида гапнинг сал учини чиқаргандик, катта жанжал қилдилар ва ўша кундан бошлаб уйдан бутунлай чиқиб кетдилар. Онам, акамлар туман марказига—дадамнинг олдига бориб қанчалик ёлвориб, уйимизга қайтишларини сўрашмасин бутунлай биздан воз кечганлигини айтибди. Билсак, дадам бир ёмон аёлга илакишиб қолибдилар.

Мана, олти йилдирки уйдан умуман чиқиб кетган, келмайди. Шундан сўнг мен учун отам ўлган деган қарорга келдим. Дадамни ўша аёл билан бир неча марта бирга кўриб қолдим. Аммо дадам мени кўриб турган бўлсалар ҳам танимаганга олиб кетдилар. Қалбимдаги дадамга бўлган меҳр туйғусини нафрат эгаллаб олди...

Курсдошимнинг гапини эшитиб туриб биздан икки кўча нарида яшайдиган ўша аёл унинг дадасини йўлдан урганлигини пайқадим. Бу аёлнинг аҳлоқсизлигини бутун маҳалла биларди. Бир куни мен ҳам кўчада ўша аёл билан қош-кўзлари дўстимникига ўхшаш бир кишини кўриб қолдим. Фарзандлари, оиласи, пок жуфти- ҳалолининг қадрини оёқ ости қилган ўша кишидан нафратланиб кетдим.

Азизлар, сизлар қандай фикрдасиз? Ўз оиласини ташлаб кетган ота тўғри иш қилдимикан? Ёки фарзандларининг отадан бу қадар нафратланиши нотўғримикан? Бутун қишлоқ олдида фарзандлари-ю жуфти-ҳалолининг қаддини буккан ота энди нимага лойиқ?

**Нигора ТОҒАЕВА,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Деҳқонобод тумани,**
**Агросаноат коллежи**
**талабаси.**

14 Oila va jamiyat № 15 (858) 10 апрел — 16 апрел 2008 йил Оила ва жамият



# МИЖОЗ ВА СОҒЛИҚ

**Ҳар бир одам ўзининг яхши ва ёмон томонларини, ютуқ ва камчиликларини билиб қўйса, зарар қилмайди. Аммо бу яхши-ёмон жиҳатлар қаердан келиб чиқади? Улар аксарият ҳолларда мижоз (темперамент)нинг натижаси экан. Хўш, мижоз нима ва у инсон соғлиғига қандай таъсир кўрсатади?**




### БИЗ КИММИЗ?

Тўрт хил мижоз бўлиши ҳақида эшитганмиз, аммо "мижознинг ўзи нима?" - деган саволга кўпчилик жавоб беришга қийналади. Аслида эса ҳаммаси оддий: у инсоннинг марказий асаб тизими фаолияти билан боғлиқ бўлган ва унинг исталган хатти-ҳаракатида: юриш-туришида, мимикаларида ва бошқаларда намоён бўладиган ўзига хос жиҳатларидир. Табиийки, мижоз инсон соғлиғига, унинг ўзини қандай ҳис қилишига, маълум бир касалликларга мойиллигига таъсир кўрсатади. Бу ҳақда сал кейинроқ гаплашамиз. Ҳозир эса мижознинг тўрт хили ҳақида сўз юритамиз. Улардан ҳар бирининг тавсифини ўқиш баробарида, таниш-билишларингиз ёки оила аъзоларингиздан бирортасига қанчалик мос келишига ҳам эътибор қаратишни унутманг. Шу билан бирга ўзингиз ҳам ёддан чиқиб қолманг.

### КИМНИНГ ИММУНИТЕТИ КУЧЛИ?

Мижоз асаб тизими тури билан белгилангани боис, у ҳам гормонал тизим, ҳам тананинг ҳимоя хусусиятлари билан чамбарчас боғланган бўлади. Хўш, қайси мижоз тури энг соғлом ҳисобланади? Маълум бўлишича, бу ўринда ҳам ҳар бирининг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари бўларкан. Аммо улар орасидан айрим объектив қонуниятларга асосланганларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Мижоз бизнинг ҳимоя имкониятларимизга қандай таъсир кўрсатади?

Иммун тизимининг фаолияти биринчи галда интерферон гормони ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ бўлади. Бу кўрсаткич бўйича биринчи ўринда флегматиклар туришади. Сангвиникларда эса улардан тахминан 2 марта камроқ интерферон ишлаб чиқарилади. Холерикларда эса бу кўрсаткич яна 30 фоизга пастроқ. Энг охирги ўринда эса, табиийки, меланхоликлар туришади.

Холериклар ва меланхоликларга бу қадар омад келмаганининг боиси, улар об-ҳаво ўзгаришига жуда таъсирчан бўлишади. Ҳаво ҳарорати ва босимининг кескин ўзгариши, намликнинг ортиб кетиши, кучли шамол кабилар уларда аксарият ҳолларда бош оғриғи, чарчоқ, кайфиятсизлик каби нохуш ҳолатларни келтириб чиқаради. Флегматикларнинг об-ҳаво ўзгаришига мослашуви осонроқ кечади. Сангвиникларга эса об-ҳавонинг таъсири камдан кам ҳолларда, унда ҳам бошқа касалликлар оқибатида кузатилади.

### ОЖИЗ ЖОЙЛАРИМИЗ

Юқоридаги хусусиятларга қарамай, сангвиниклар ҳам, флегматиклар ҳам маълум бир касалликларга мойил бўлишади. Хўш, уларда кўпроқ қайси касалликлар учрайди?

Сангвиниклар орасида миокард инфарктининг оғир ҳолатлари кўп кузатилган. Қолаверса, **"сангвис"** сўзи юрак тинимсиз танамиз бўйлаб ҳайдаб турадиган қон маъносини англатади. Айнан шу нарса тромбоз, инфаркт, инсульт ва вена қон томирларининг варикоз кенгайиши каби касалликлардан азият чекадиган сангвиникларнинг ожиз жойларидир. Шу боис уларга аэробика билан шуғулланиш ва кўпроқ Е витамини истеъмол қилиш тавсия этилади. Руҳий касалликлар ҳақида гапирадиган бўлсак, сангвиниклар аксарият ҳолларда тутқаноқ, яъни жазавага тушишга мойил бўлишади. Уларга ҳар доим атрофдагиларнинг эътибори камдек бўлиб туюлади, оқибатда буни очиқдан очиқ намоён этишади.

Флегматикларнинг энг оғриқли нуқтаси ошқозондир. Инсон ошқозонидаги шаффоф шира **"флегма"** деб аталади. Ошқозон ярасининг оғир ҳолатлари айнан улар учун хосдир. Шунингдек, уларда кучли тажовузкорлик ҳолатлари ҳам учраб туради.

Холериклар кўп ҳолларда жигар ва ўт пуфаги (**холе** – мана шу аъзолар томонидан ишлаб чиқариладиган суюқликдир) касалликларидан азият чекишади. Шунингдек, уларда кўриш аъзолари патологияси, бўғимлар ва бурун-ҳалқум тизими касалликлари ҳам кўп учрайди.

Бу борада меланхоликларнинг омади келмаган. Чунки уларда юқоридаги барча мижоз вакилларида учрайдиган ҳамма касалликларни кўриш мумкин. Улар ўта ҳиссиётли ва ҳар хил нохуш ҳолатларга таъсирчан бўлишади. Шифохоналар ва руҳий касалликлар диспансерларида улар энг кўп рўйхатда туришади. Аммо меланхоликларнинг ҳам биттагина бўлса-да, ютуқли томони мавжуд. Хўш у нима экан?

### ОВҚАТЛАНИШ ВА МОДДАЛАР АЛМАШИНУВИ

Юқоридагилардан ташқари мижоз инсоннинг тана тузилиши, унинг овқат ҳазм қилиш тизими фаолияти, қандай овқатларни ёқтириши каби соғлиққа у ёки бу даражада таъсир этувчи ҳолатларга ҳам боғлиқ бўлади.

Масалан, сангвиниклар овқатланишга худди илоҳий маросимдек муносабатда бўлишади. Улар бевосита овқат пишириш жараёнидан ҳам, унинг мазасидан ҳам лаззат олишади. Сангвиниклар учун овқатланадиган столнинг жиҳозланиши, ошхонадаги муҳит жуда муҳим. Улар вегетарианликка мойил эмаслар, аксинча тортлар, конфетлар, музқаймоқ ва шу каби ширинликларни суйиб тановвул қилишади.

Сангвиниклар одатда қуйидагича тана тузилишига эга бўлишади: кенг юз, юмалоқ тана, паст, айрим ҳолларда ўрта бўй, семиришга бўлган мойилликнинг яққол намоён бўлиши. Бундай одам ҳатто оз овқатланса ҳам моддалар алмашинувининг сустлиги боис, барибир семириб кетаверади.

Флегматиклар овқатда мўътадил, иштаҳалари ўртача, одатда юқори сифатли овқатларни маъқул кўришади. Овқатга туз, шакар ва зираворларни оз миқдорда ишлатадилар ва чучук таомларга кўпроқ урғу беришади. Ўзларига ота-оналари болаликларида едирган нарсаларни ёқтирадилар. Қаҳвани камдан-кам ҳолларда ва оз миқдорда, чойни эса тез-тез ва кўп ичишади. Агар улар ошпазлик касбини танлашса, бу соҳанинг моҳир усталари бўлиб етишадилар. Уларда ёғ тўқималари унчалик кўп эмас, моддалар алмашинуви эса паст ёки суст, меъёридан ортиқ овқатланганларидагина семиришлари мумкин.

Флегматиклардан фарқли равишда холериклар аччиқ, тузланган ва зираворлар қўшилган таомларни ёқтирадилар. Кўп энергия сарфлаганлари боис унинг ўрнини қоплаш учун тез-тез ва кўп овқатланишади. Тўйиб овқатланиш улар учун яхши кайфият воситаси ҳисобланади. Худди сангвиниклар сингари ширинликларни хуш кўришади. Спиртли ичимликлардан эса энг ўткирларини ичадилар. Бу инсонларда моддалар алмашинуви жуда тез кечгани боис, уларга озғинлик хосдир.

Меланхоликлар овқатланишга тиббиёт талабларига риоя этган ҳолда муносабатда бўлишади. Парҳезшунослик қоидаларини диққат билан ўрганган ҳолда фақат тана ва соғлиқ учун фойдали бўлган нарсаларни истеъмол қилишади. Сабзавотлардан тайёрланган таомларни хуш кўришади, шу боис кўп ҳолларда меланхоликларнинг аксарият қисми вегетариан бўлишади. Аммо улар хамирли таомларни кўрганда иштаҳалари очилиб кетади ва ўзларини бундай овқатдан тиёлмай қолишади. Меланхоликларга хос яна бир одат – ҳар доим қатъий тартибга риоя этган ҳолда бир вақтда ва бир хил миқдорда овқатланиш. Улар спиртли ичимликларни ёқтиришмайди, шу туфайли уларни камдан-кам ҳолларда, ноиложликдангина ичишлари мумкин. Улар дастурхон устида гигиена қоидаларига риоя этилишига қатъий эътибор қаратишади.

Меланхоликларнинг юз тузилиши ва танаси нозик, озғиндан келган бўлишади. Одатда меланхоликлар орасида семиз кишилар учрамайди, чунки уларда моддалар алмашинуви жуда тез кечади.

(Давоми 15-бетда)

**Тест**

## ЎЗ МИЖОЗИНГИЗНИ БИЛИБ ОЛИНГ

**Ҳурматли газетхон, қуйидаги тест асосида ўзингизнинг қайси мижоз типига мансублигингизни билиб оласиз. Бунинг учун тўртта бўлимга ажратилган рўйхатни диққат билан ўқиб, мана шу рўйхатда акс этган хислат ва одатлардан қайсилари ўзингизда бор бўлса, ўшаларнинг ёнига "+" белгиси қўйиб чиқинг.**

**1-бўлим.**

- ➔ қизиққонлик, ўзини тутолмаслик;
- ➔ сабрсизлик;
- ➔ қатъиятлилик, ташаббускорлик;
- ➔ баҳсларда топқирлик;
- ➔ нутқнинг тезкорлиги ва ҳаяжонга бойлиги;
- ➔ имо-ишораларнинг маънодорлиги;
- ➔ хатти-ҳаракатларнинг қўполлиги;
- ➔ кайфиятнинг кескин ўзгариб туришига мойиллик.

**2-бўлим.**

- ➔ ҳушчақчақлик;
- ➔ ишбилармонлик, серғайратлик;
- ➔ ўзига ортиқча баҳо беришга мойиллик;
- ➔ янгиликларни дарров илғаб олиш қобилияти;
- ➔ турли вазиятларга осон мослашувчанлик;
- ➔ ишга қизиқишнинг тез сўниши;
- ➔ баланд, тез ва аниқ гапириш;
- ➔ қарорлар қабул қилишда шошма-шошарлик.

**3-бўлим.**

- ➔ ишда тартиб ва меъёрга риоя этиш;
- ➔ эҳтиёткорлик ва мулоҳазакорлик;
- ➔ камгаплик;
- ➔ босиқлик ва сабрлилик;
- ➔ бошлаган ишини охирига етказиш;
- ➔ барча нарсада тартибга интилиш;
- ➔ янги вазиятга мослашишга қийналиш;
- ➔ янги танишлар ва одамлар билан аста-секин яқинлашув.

**4-бўлим.**

- ➔ уятчанлик;
- ➔ янги вазиятда ўзини йўқотиб қўйиш;
- ➔ нотаниш кишилар билан мулоқотда қийналиш;
- ➔ ёлғизликка осон кўникиш;
- ➔ ўз қобиғига ўралиб олишга мойиллик;
- ➔ тез чарчаб қолиш;
- ➔ суҳбатдошнинг характерига беихтиёр мослашиш.

**Энди натижаларни ҳисоблаймиз.**

Барча(тўрттала бўлимдаги) "+" белгиларини санаб чиқамиз ва А ҳарфи билан белгилаймиз. Масалан, А-15 та. Ҳар бир бўлимдаги "+" белгиларини алоҳида ҳам ҳисоблаймиз ва уларни, А1, А2, А3, А4 тарзида белгилаб чиқамиз. Масалан, А1-4 та, А2-5 та, А3-4 та, А4-6 та. Энди қуйидаги формула асосида кичик сон(А1, А2, А3, А4)ларни катта сон (А)га бўлиб, 100 га кўпайтирамиз ва ҳар бир мижозга оид ижобий жавоблар фоизини аниқлаб оламиз:

**Сангвиниклар – (А2:А)х100%;**
**Флегматиклар - (А3:А)х100%;**
**Холериклар - (А1:А)х100%;**
**Меланхоликлар - (А4:А)х100%.**

Масалан, сизнинг жавобларингизда А-15та, А2 эса 5та бўлса, **(5:15)х100%=33,3%.** натижани оламиз. Ёки А-15, А1-4 та бўлганда, **(4:15)х100%=26,6%.**

➔ Бирор бир мижоз типи бўйича ҳосил бўлган фоиз 40 %га тенг ва ундан ортиқ бўлса, мана шу мижоз сизда устун экан.

➔ Натижа 30-39 % бўлса, ушбу мижоз турига оид сифатлар сизда яққолроқ намоён бўларкан.

➔ Натижа 20-29 га тенг бўлса, бу мижоз сизда ўртача намоён бўлишини англатади.

➔ 10-19 фоизга тенг натижа эса мазкур мижозга оид сифатлар сизда жуда кучсиз кўриниш беришини билдиради.

Мактаб ўқувчиларининг деярли 90 фоизи дарсларни ўзлаштиришда қийналишар экан. Ўқитувчининг вақти эса мавзуни тушунтиришга аранг етгани учун, ўқувчиларга китоб билан ишлашни ўргатишга вақт ажрата олмайди. Шундай пайтда эса ота-оналар ўз фарзандларига дарс тайёрлашда ёрдам беришса айни муддао бўлади. Шундай экан, келинг, фарзандимизни зўриқиш ва ортиқча қийналишдан халос қилайлик. Бироқ ўргатганда ҳам ўйлаб иш тутиш лозим. Яъни, боланинг ўрнига унинг масаласини ишлаб бериш, ўқиш ва иншосини ёзиб бериш керак эмас. Фарзандингиз дарсларини ўзи мустақил тайёрлаши учун ёрдам беринг.

*Фарзандингизга эслаб қолиши зарур бўлган ўхшаш сўзларни (синонимлар) ўйлаб топишни ўргатсангиз, бу болага фойда беради. Унга ҳеч бир саволни жавобсиз қолдириш мумкин эмаслигини ўргатинг. Бирор нарсани тушунмаса, албатта ўқитувчисига мурожаат қилиши лозимлигини таъкидланг. Хуллас, саволларга жавоб бериш болани фаол фикрлашга ўргатади.*

Ота-оналар мактаби



# ФАРЗАНДИНГИЗНИ ЎҚИШГА ЎРГАТИНГ!

**1 ЎҚИТУВЧИНИ ТИНГЛАШ**

Дарс пайтида ҳар бир ўқувчи ўқитувчисидан кўз узмаслиги, тушунтирилаётган дарсни диққат билан тингламоғи керак. Ана шунда кўрган ва эшитганларининг 90 фоизи ёдида қолади.

Боланинг шахсий фикри бошқа одамлар билан бўлган мулоқотда шаклланишини, шу боис у ўқитувчиси билан бирга ўйлаши лозимлигини тушунтиринг. Дарсни диққат билан тинглаш шахсий фикрлаш қобилиятининг яхшиланишини таъминлайди. Руҳшуносларнинг таъкидлашича, ўқувчи ўқитувчи гапираётганига қараганда тўрт баробар тезроқ фикрлай олиши мумкин экан.

**2 ЭСЛАШ ҚОИДАСИ**

**Замонавий ўқувчиларнинг энг катта муаммоси - хотиранинг ёмонлигидир. Хотирани яхшилаш машқларининг бир нечта оддий усуллари бор. Фарзанди бошланғич синфга бораётган ота-оналар қўллаши учун ушбу усулларни тавсия қиламиз:**

➔ Ўз олдингизга маълумотни узоқ вақтгача ёдда сақлаб қолишни мақсад қилиб қўйинг;

➔ Мавзуни ўқигач, энг қийин жойларини ажратиб, шулар ҳақида ўйланг. Сўнг ўша мавзудаги асосий фикрни белгилаб қўйинг;

➔ Текстни хаёлан бир неча қисмга бўлинг. Улар орасидаги мантиқий боғлиқликни аниқланг.

➔ Ҳар бир қисмдаги асосий фикрни, маънони, қоидани аниқлаб олинг;

➔ Қоида, формулани қандай ёзилган бўлса ўша ҳолича такрорланг, қолган гапларни ўз сўзингиз билан айтиб чиқинг;

➔ Мавзуни тушуниб такрорланг. Ҳадеб текстга қарамасдан, эсда сақлашга ҳаракат қилинг;

➔ Қисмларга бўлиб ўқиш ва такорлашдан сўнг текстни бир бутун ҳолда айтиб чиқинг;

**ЁЗИБ ОЛИНГАН ТЕКСТ БИЛАН ИШЛАШ 3**

➔ Жумлани диққат билан ўқинг.

➔ Ёзилган барча сўзларни эслаб қолинг.

➔ Жумлани овоз чиқариб айтиб чиқинг.

➔ Дарсликда ёзилганини ўз ёзганингиз билан солиштиринг.

**4 МУСТАҚИЛ ТОПШИРИҚЛАРНИ БАЖАРИШ**

➔ Дарс тайёрлашга ўтирарканcиз, бор диққатингизни шу ишга қаратишга ҳаракат қилинг. Бошқа нарсаларга (радио тингламанг, мусиқа, суҳбат) чалғиманг.

➔ Ушбу мавзу бўйича ўқитувчи дарс пайтида нималар деганини эсланг.

➔ Текстни тўлиқ ўқинг. Зарур бўлса, йўл-йўлакай, расм, чизма, харита ва луғатлардан фойдаланинг.

➔ Яхши эслаб қолиш учун дафтарга саналар, номланишлар, исмларни ёзиб қўйинг.

➔ Китобни ёпинг-да, ўқиганларингизни хаёлан қайтариб чиқинг.

➔ Текстни иккинчи марта яна ўқиб чиқинг. Қийинчилик билан эсда қоладиган жойларини алоҳида, диққат билан ўқинг.

➔ Ўқиганларингизни овозингизни чиқариб, саналарни, аталиши ва номини овоз чиқариб айтинг.

**5 ЁД ОЛИШ**

➔ Ҳикоя ёки шеър ёдлаш учун: ўқинг ва такрорланг. Агар ёдлашингиз керак бўлган мавзу унча катта бўлмаса, сўзма-сўз айтишга уриниң.

➔ Катта текстни хаёлан қисмларга бўлинг, ўқинг ва варақни ёпиб, овоз чиқариб такрорланг. Кейин уни ифодали ўқинг. Эрталаб эса дарсликни қўлингизга олиб яна овоз чиқариб қайтаринг.

➔ Қоида, қонун ва аниқловчиларни ёдлаётганда паст овозда бир неча марта ўқинг-да, сўнг китобга қараб, овоз чиқариб айтинг. Охирида эса китобсиз ўқинг.

***Азиз ота-оналар, бувижонлар ва буважонлар! Бу маслаҳатлар аввало сизларга тегишли. Аввало сиз ўз жигарбандларингизни айнан ушбу усуллар билан дарс қилишга ўргатишингиз лозим. Ушбу фойдали қоидаларнинг бажарилишини назорат қилсангиз, набирангиз ёки фарзандингиз дарсларини ўзлаштиришда асло қийналишмайди.***

**6 ХОТИРА УЧУН ОЗУҚА**

***Миянинг фаолияти уни қандай озиқлантираётганимизга боғлиқ. Уни тўғри озиқлантириш эса интеллектуал имкониятлардан самарали фойдаланишга ёрдам беради.***

Шундай экан, мия нормал ишлаши учун нима қилишимиз керак?

➔ **“Аста-секинлик” (мураккаб) углеводлари.** Улар диққат-эътиборни зарур нарсага йўналтиришга ёрдам беришади. Бу моддалар нон, картошка, дуккакли маҳсулотлар, макарон ва буғдойнинг қаттиқ навида мавжуд.

➔ **Оқсиллар.** Аминокислота манбаи бўлиб мияни ҳис қилиш аъзосидан ахборот етказиб берадиган модда ишлаб чиқаришни таъминлайди. Бу модда айниқса, гўшт, творог, тухум, гречиха, балиқ ва денгиз маҳсулотларида кўп учрайди.

➔ **Ёғлар.** Асаб хужайралари учун қурилиш ашёларидек гап. Чунки миянинг 60 фоизи ёғлардан иборатдир. Фойдали ёғ (тўйинмаган ёғ кислотаси) балиқда кўп. Чунки балиқ таркибида мияни кислород билан таъминлайдиган фосфор моддаси бор.

➔ **В ва С витамини.** Мияни қувват билан таъминлайди. В витамини тухум сариғи, оқ ловия, жигар, қора смородина, олхўри, пиёз, петрушка ва сабзида кўп миқдорда учрайди.

➔ **Минераллар.** Мия фаолияти учун минераллардан энг зарури темир ҳисобланади. У қондан тайёрланган колбаса, мол гўшти, жигари, яшил олмалар ва анорда кўп бўлади.



# КЎНГЛИНИ КЎТАРИНГ

**? - Кейинги пайтларда ўғлим мактабга худди сургунга кетаётгандек зўрға боради. Паст баҳо олгудек бўлса барча синфдошлари ундан юз ўгираётгандек қўрқувга тушади... Ўғлимдаги ваҳимани йўқотиш учун унга қандай ёрдам берсак бўлади?**

**С. Раҳмонова, Тошкент шаҳри**

***Агар фарзандингизда мактабга бориш ваҳима уйғотаётган бўлса, буни йўқотишга ёрдам беришингиз мумкин. Бунинг учун қуйидаги маслаҳатларга амал қилсангиз кифоя:***

➔ Эҳтимол унга нисбатан ҳаддан ташқари талабчанлик қилаяпсиз-у, болангиз эса буларни бажаришга кучи етмаётгандир? Шу сабаб ўзига нисбатан ишончсизлиги ортиб бораётгандир.

➔ Шунингдек, фарзандингизни ҳеч қачон бошқа болалар билан тенглаштирманг. Яхшиси дарсларини яхши ўзлаштираётганини айтиб, уни мақтанг.

➔ Агар болангиз қўрқув ва ваҳимага тушиб қолса, уни койиш ўрнига: “Сени жуда яхши тушунамиз. Доскага чиқиб жавоб беришни ёқтирмайсан. Шунинг учун сенга қанчалик қийин эканлигини тасаввур қиламиз. Лекин сен ҳаракат қилсанг, албатта аъло баҳо олишинг мумкин, биз бунга ишонамиз", - деган сўзлар билан таскин беринг. Бундай гапларни эшитгач, у ёлғиз эмаслигини, ёнида меҳрибонлари борлигини ҳис этади ва ҳар қандай қийинчилик ҳам унга қўрқинчли туюлмайди.

➔ Фарзандингизга муваффақият қозониш учун имкон беринг. Уй вазифасини бажариш, уйни йиғиштириш ва идишларни ювиш каби ишлар болангизнинг кўнглини қувончга тўлдиришини унутманг.

➔ Болага нисбатан қандай муносабат ўрнатгансиз? Уни қандай рағбатлантириб, қандай жазо бераяпсиз? Хатолари учун ҳаддан ташқари жазоламаяпсизми? Асосий диққат-эътиборингизни боланинг камчиликларига қаратиб, уни тез-тез жазолаяпсизми? Фақат уч баҳо олгани учун койиб қолмасдан, беш баҳо олгани учун мақташни унутманг.

Фарзандингизни мақташдан чўчиманг. У мақтов эшитгани учун талтайиб кетмайди, аксинча ўзини бахтли ҳис қилиб, ўзига бўлган ишончи ортади ва ваҳимадан фориғ бўлади.

**ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлашди.**

(Боши 14-бетда)

# МИЖОЗ ВА СОҒЛИҚ

**ОДАМЛАРНИНГ ТЎРТ ТОИФАСИ**

**1. Сангвиниклар** янгиликларга, ўзгаришларга тез мослашиб, кўникиб кетадилар, одамлар билан ҳам киришимли бўлишади. Улар яхши суҳбатдош, ҳаётдан лаззат олиб яшайдиган, кўнгли очиқ инсонлардир. Уларнинг ҳиссий ҳаяжон ва ташвишлари у қадар чуқур бўлмай, қанчалик тез юзага келган бўлса, шунчалик тез йўқолади. Сангвиникларда маънодор мимикага эга бўлиб, сўзлаганда турли имо-ишоралар ва хатти-ҳаракатлар қилишади.

**2. Флегматиклар** ҳамма нарсада сусткаш ва бамайлихотирликка мойил бўладилар. Улар феъл-атвори барқарорлиги билан ажралиб туради. Ҳиссиётлари доимий ва самимий бўлса-да, уларни тўла намоён этишни ёқтиришмайди. Ҳар бир ишга жиддий ва қаттиқ киришадилар, ҳамда уни охирига етказмагунча тиниб-тинчишмайди. Бир қарорга келгунча узоқ ўйланишади, етти ўлчаб бир кесишади, аммо қарор қабул қилгач, унга оғишмай амал қиладилар. Уларни бу қарор ва режаларидан чалғитиш ва қайтариш осон эмас.

**3. Холериклар** ҳаракатчан ва ташаббускор бўладилар, аммо баъзида бу хислатлари меъёридан ошиб кетишини ҳам кузатиш мумкин. Ҳиссиётлари, руҳий кечинмалари ёрқин ва кучли, аммо барқарор эмас. Ҳаракатлари ва имо-ишоралари қўпол ва жадаллиги билан ажралиб туради. Кайфиятлари тез-тез ўзгариб туради. Катта қизиқиш ва ғайрат билан янги ишларга қўл уришади, аммо ҳар доим ҳам уларни охирига етказишга қодир бўлавермайдилар.

**4. Меланхоликлар** ҳаяжонлари, руҳий кечинмалари, хатти-ҳаракатлари ва имо-ишораларини намоён этишда, мулоқотда вазмин, ўзини тута биладиган кишилар бўлишади. Улар уятчанликлари, тортинчоқликлари, иккиланувчанликлари билан ажралиб турадилар. Ҳиссиётлари чуқур, кучли ва доимий бўлса-да, улар ташқи томондан сезилар-сезилмас намоён бўлади. Янги шароитларга қийинчилик билан мослашадилар. Бошқа одамларни яхши тушунишади.

**ДАРМОН тайёрлади.**




**847** **Ёшим 48 да.** Фарғона вилоятиданман. Аёлим вафот этган. Уч нафар фарзандим бор. Ишлайман. Камтар ва оқ кўнгил инсонман. 35-40 ёшгача бўлган (қаерлик бўлишининг аҳамияти йўқ), меҳрибон, фарзандларимга оналик меҳрини бера оладиган аёл билан танишиб, уйланмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Валижон**

**848** Асли тошкентликман. **Ёшим 33 да.** Ажрашганман. Битта фарзандим бор. Ҳозир уйдаман. Ота-онам билан яшайман. 40 ёшгача, Тошкент шаҳрида ўзининг уй-жойи бўлган, давлат ишида ишлайдиган, меҳрли, оқил бир эркак билан тақдиримни боғламоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Марғуба**

**849** Асли бухороликман. **Ёшим 30 да.** Икки бор ажрашганман. Чеварлик қиламан. Бир қизчам бор. II-гуруҳ ногирониман. Ота-онамнинг уйида яшайман. Қаерда яшашидан қатъий назар, II-гуруҳ ногирони бўлган, қизчамга оталик меҳрини бера оладиган, кўнглимни ўкситмайдиган, диёнатли бир эркак билан оила қуришни истайман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Оқила**

**850** **Ёшим 52 да.** Асли тошкентликман. Аёлим вафот этган. Тошкент шаҳрида ўзимнинг ҳовли-жойимда, бир ўғлим билан яшайман. Ишлайман. Оиламни моддий томондан таъминлай оламан. 45 ёшгача бўлган, ўтириб қолган қиз ёки фарзандсиз, саранжом-саришта, пазанда аёл билан оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Комилжон**

**851** **Ёшим 60 да.** Асли тошкентликман. Турмуш ўртоғим қазо қилган. Ишлайман. Ўзимнинг уй-жойим бор. Оғир табиатли, кенг феълли, самимий инсонман. 55 ёшгача бўлган, қаерлик бўлишининг фарқи йўқ. Ёлғиз ёки фарзандларидан қутулган бир аёл бўлса уйланиб, бирга умргузаронлик қилган бўлардим.

**Манзилим таҳририятда.**

**Рихсивой ота**

**852** **Ёшим 32 да.** Ажрашганман. Тошкент вилоятиданман. Иккита қизчам бор. Ўзимнинг уй-жойим бор. Маълумотим олий. Ўқитувчи бўлиб ишлайман. 42 ёшгача бўлган, олий маълумотли, баланд бўйли, келишган, замонавий, ҳаётнинг аччиқ-чучугига дош бера оладиган, диёнатли, қизларимга оталик меҳрини берадиган, Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида ўзининг уй-жойи бўлган эркак билан танишиб, оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Азизахон**

**853** **Ёшим 40 да.** Ажрашганман. Бир фарзандим бор. Тошкент вилоятида ўз уйимда яшайман. Ўзимга яраша рўзғорим, мол-ҳолим бор. Вақтинча ишламайман. Ораста, саранжомликни ёқтирадиган аёлман. 51 ёшгача бўлган, виждонли, ғурурли, самимий, имонли, меҳрибон ва мард бир эркак билан танишиб, оила қуришни истайман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Олия**

**854** **48 ёшли** холам бор. Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида яшайди. Жуда мулойим, ақлли холамнинг ҳалигача турмуш қурмаганига ачинаман. Ўзининг уй-жойи, машинаси бор. Моддий томондан таъминланган. 50 ёшгача бўлган, олий маълумотли, Тошкент шаҳри ёки вилоятида яшайдиган эркак бўлса холамни узатган бўлардик.

**Манзилимиз таҳририятда.**

**Жияни Гулсанам**

**Оила бўлими телефони: 233-04-50**

**855** **Ёшим 67 да.** Самарқандликман. Аёлим беш йил бурун вафот этди. Фарзандларим уйлик-жойлик бўлиб кетишган. Пенсия оламан. Кичик ўғлим ва келиним билан яшайман. Ёлғизлик оғир экан. Шу боис 55 ёшгача бўлган, Самарқанд, Жиззах ёки Сирдарё вилоятларидан бирида яшайдиган аёл билан оила қурсам, дейман.

**Манзилим таҳририятда.**

**Яхшибой ота**

**856** Асли Қорақалпоғистонданман. Миллатим ўзбек. **Ёшим 25 да.** Турмушга чиқмаганман. Ишлайман. Баланд бўйли қизман. Озодаликни ёқтираман. 30 ёшгача бўлган Қорақалпоғистон ёки Тошкент шаҳрида яшайдиган, ўқимишли йигит билан оила қуришни орзу қиламан.

**Манзилим таҳририятда.**

**Севинч**

# ОИЛА ҚУРСАК ДЕЙМИЗ

**857**

- Қарши шаҳридан келдим. Исмим Сабохон. Беш йил аввал ўғлимни уйлантиргандим. Лекин оиласи бузилди. Унинг оиласини тиклаш учун қилмаган ишим қолмади. Бироқ, ўзлари истамагани учун қўлимдан ҳеч нарса келмади...- дея аёл кўз ёшларини артди.

**- Ўғлингиз севмаган қизига уйланганмиди?**

-Йўғ-а? Институтда бирга ўқишган, бунинг устига у туғишган акамнинг қизи эди. Қариндошдан қиз олишнинг азоби оғир экан. Елкамга тош босгандек бўлди. Улар ажрашишгандан кейин акам биз билан борди-келди қилмай қўйди.

**- Келиннинг бирор айби борми?**

- Яхши эди. Кейинчалик ўғлимни рашк қила бошлади. Ўғлим масъул жойда ишлайди. Кеч келади. Бунинг устига биттагина фарзандлари бўлганида ҳам майли эди. Аллоҳ уларга шу тирноқни ҳам кўп кўрдими... Орадан уч йил ўтди. Келиним эрга тегиб кетди. Битта қизчаси бор. Энди бўлса, "Сабонинг ўғли бепушт экан", - деган гап тарқалибди. Ўғлимни шунинг учун ҳам тезроқ уйлантирсам. Унинг бахтини кўрсам, набираларимни боқсам дейман. У ҳозир **32 ёшда.** 28 ёшгача бўлган, турмушга чиқмаган, Тошкент ёки Қарши шаҳрида яшайдиган бир қиз бўлса келин қилардим.

* * *

**858**

- Мен Хоразм вилоятидан келдим. Севиб-севилиб уйланган **43 ёшли** укам Алишернинг тинч ҳаёти кутилмаганда бузилиб кетди. Таҳририятга ҳам айнан шу масалада келдим...- сўз бошлади ўзини Мансур дея таништирган йигит.

**- Укангизнинг оиласи жиддий сабаб билан бузилдими?**

- Очиғини айтсам аёлининг хиёнати туфайли бузилди. Нега бундай бўлганига ҳалигача тушунмайман. Чунки Алишер ўзимиз яшайдиган жойдаги энг кўркам, баланд бўйли, камтар ва олий маълумотли йигит эди. Уйланмасдан олдин ўзига алоҳида уй-жой қилиб бергандик. Қуда бўлгувчилар жуда кўп эди. Лекин у шу аёлини танлаганди.

**- Фарзандлари борми?**

- Битта боласи бор эди. Ота-онам укамни ўйлай-ўйлай, куйишиб оламдан ўтиб кетишди. Энди ўзим оталик қилиб, Алишерни уйлантириб қўйишга аҳд қилдим. Чунки ажрашганига ҳам анча бўлди. Келиннинг хиёнатини ота-онаси ҳам билишди. Шу боис жанжалсиз ажрашишди. Энди укам қачонгача ёлғиз юради? 30-35 ёшгача бўлган, оқила қиз ёки бир қизчаси бор хоразмлик аёлни укамга олиб берсак...

* * *

**859**

- Исмим Назира. **Ёшим 28 да.** Ҳали турмушга чиқмаганман. Асли Фарғона вилоятиданман. Ота-онам, укаларим Марғилонда қолишган. Мен Тошкентдаги кафелардан бирида ишлайман. Таҳририятга бир иш билан келгандим...

**- Гапиринг, қулоғим сизда...**

- Сизга турмушга чиқмаганман дедиму, лекин... Бошидан гапириб бера қолай... Тошкентга энди келган пайтларим эди. Бир кафеда бироз муддат ишладим. У ерда ярим тунгача ишласам ҳам кунига уч минг сўм беришар, овқатимиз эса текин эди. Шу кафега ҳар куни тушда бир йигит келарди. Йигитга мен хизмат қилардим. У эса менга анчагина чойчақа ташлаб кетарди.

Биз яқин бўлиб қолгандик. Кунларнинг бирида у мени уйига таклиф қилди. Мени жуда ёқтиришини, уйланиш нияти борлигини айтгач, мен қувониб кетдим. Бироқ кейин қон йиғлашимни билмаган эканман...

**- Нега? Бирор гап бўлдими?**

- Йигитнинг уйида тонггача қолиб кетдим. У менга эртагаёқ совчисини жўнатишини айтиб, кўнглимни хотиржам қилди. Лекин шу куни ҳам, эртасига ҳам у кафега келмади. Мен йигитнинг уйини эсимда сақлаб қолгандим. Излаб бордим. Қарасам эшикни бир кампир очди. Ҳайрон бўлдим. Кейин уларнинг кимлигини сўрадим. "Биз уч ҳафта аввал уйимизни олисдан келган бир йигитга бир кунга ижарага бергандик. Унинг хужжатини олиб, кейин калитни бердик. У эса пулни тўлаб, хужжатини олиб кетди. Кимлигини билмаймиз ҳам...", - деди.

Ота-онам ҳануз менинг иффатсиз эканлигимни билишмайди. Бу гапни ҳеч кимга айта олмайман. Мен ишлаб, уйимдагиларга пул юбориб турибман. Улар эса мени шаҳарда ўз ўрнини топиб олган, яхши жойда ишлайди деб ўйлашади. Бу гапни ҳеч кимга айта олмайман.

Дардим ичимда, соддалик қилиб, бир муттаҳамнинг тузоғига тушиб қолдим. Ёшим ўтаяпти, мен ҳам оила қуришни, фарзандларим бўлишини истайман, лекин... 37 ёшгача бўлган, қаерлик бўлса ҳам диёнатли, олижаноб бир эркак билан турмуш қурмоқчиман...

## «ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

***Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам, ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам таҳририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди. Шунингдек, ажрашганлар суд қарорининг нусхасини тақдим этишлари шарт.***

## Ўйлатадиган гап-сўзлар...

- Таҳририятдан олган манзил бўйича бир аёлнинг уйига бордим. Айтилган жойга етиб боргач, эшикни тақиллатдим. Не кўз билан кўрайки, эшикни очган аёл собиқ хотиним экан!.. У мени ичкарига таклиф қилди. Бирпас чой ичиб гаплашдик. Аёлим менга, "Болаларимиз ҳурмати учун ярашайлик", деяпти...

* * *

- Газетадаги эълон орқали бир жувон билан танишдим. Ишхонасига бориб, пастда кутиб турдим. Зинадан қўл телефонида гаплашиб тушиб кела бошлади. У қандайдир Тоҳир акаси билан ширин суҳбатлашаётгани учун мени кўрмади. Аста орқасидан юрдим.

У кета-кетгунча уч-тўртта эркак билан гаплашиб, учрашув белгилади. Мен бўлса шу кўйи аёлга кўринмай изимга қайтдим. Яхшиямки, вақтида унинг одоб-ахлоқидан хабардор бўлдим. Бўлмаса...

**БАСИРА тайёрлади.**

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 18:00.
Босишга топширилди - 19:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 234-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 233-28-20
Оила, табриклар, эълонлар: 233-04-50
Бўлимлар: 233-04-35, 234-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Web-site: oilavajamiyat.uz

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 332. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 13283

Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Мусаҳҳих — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 4 5 7 8